



# Ishonch

2009-yil

Ya	D	S	Ch	P	J	Sh	Ya	D	S	Ch	P	J	Sh	Ya	D	S	Ch	P	J	Sh							
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28

Fevral

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta \* E-mail: ishonch-doverie@mail.ru \* Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

## Ўзбекистон-Туркменистон:

# Қадимий қардошликка асосланган ҳамкорлик

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 24-25 феврал кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.**

**24 феврал.** Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев кутиб олди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов пойтахтимиздаги «Туркистон» саройига ташриф буюрдилар. Бу ерда ўзбек ва туркман санъаткорлари иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Бундай байрамона тадбирларнинг олий даражадаги ташриф кунлари ўтказилиши икки мамлакат раҳбарияти маданият ва санъат арбобларининг алоқаларини ривожлантиришга юксак эътиборидан яна бир далолатдир.

«Туркистон» саройида намойиш қилинган концерт томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Санъаткорларнинг ҳар бир чиқиши олқишлар билан қарши олинди. Бу маданий ҳамкорлик бобида эришилган яна бир ёрқин муваффақият, икки мамлакат санъаткорларига янги илҳом бахш этадиган ва уларни янада яқин ҳамкорликка ундайдиган ютуқлардандир.

\*\*\*

**25 феврал.** Ўзбекистон ва Туркменистон халқларини умумий тарих, муштарак маданият ва қадриятлар бир-бирига боғлаб туради. Ўзбек ва туркман азалдан бир-бирининг маданиятини бойитиб, савдо-сотик қилиб, тўй-томошаларида меҳмон бўлиб қатнашиб келади. Аждодларимизнинг илмий ва адабий мероси ҳам халқларимизнинг умумий мулки саналади.

Мамлакатларимиз мустақилликка

эришганидан кейин анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари янги замон руҳида ривожлана бошлади. Ўзаро муносабатларни ривожлантиришдан Ўзбекистон ҳам, Туркменистон ҳам бирдек манфаатдор. Мунтазам равишда олий даражадаги учрашувлар ўтказиб келинаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2007 йилнинг октябр ойида давлат ташрифи билан Туркменистонга борди. 2008 йилнинг март ойида эса Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди.

25 феврал куни Дўрмон қароргоҳида Туркменистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов шохсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Туркменистоннинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олтидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов яккама-якка суҳбатда Ўзбекистон-Туркменистон муносабатларига доир кенг кўламли масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар. Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини таъкидладилар.

Дарҳақиқат, бугунги кунда икки томонлама алоқалар Президент Ислом Каримовнинг 2007 йилда Туркменистонга

давлат ташрифи асносида имзоланган Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартномага мос равишда тараққий этмоқда. Бу муносабатлар кўламини янада кенгайтириш, янги мазмун билан бойитиш учун барча имкониятлар етарли.

Президентлар Ўзбекистон ва Туркменистоннинг сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар ҳамкорлигига, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга доир масалаларни муҳокама қилар экан, кўрилган барча масалалар юзасидан томонларнинг қарашлари ўхшаш ёки яқинлиги аён бўлди. Бу икки томонлама ишончни мустаҳкамлади, ишонч эса ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим омилдир.

Сиёсий соҳада мамлакатларимизни ўзаро яқинлаштирадиган хижатлар талай. Бу Ўзбекистон ва Туркменистоннинг тинчликларвар ташқи сиёсати, халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлашидир.

Иқтисодий ҳамкорликнинг кўлами кенг. Ўзбекистонда ҳам, Туркменистонда ҳам нефт-газ саноати жадал ривожланиб, хорижий сармоядорлар билан ёқилги-энергетика мажмуи соҳасидаги ҳамкорлик кўлами кенгаймоқда. Мамлакатларимиз бу соҳада икки томонлама ҳамкорлик баробарида кўп томонлама лойиҳаларда ҳам фаол иштирок этмоқда.

Иқтисодий ҳамкорликнинг яна бир муҳим бўғини транспорт коммуникацияларидир. Ўзбекистон ҳудуди орқали Туркменистонга, Туркменистон ҳудуди орқали Ўзбекистонга юк ташилади. Мамлакатларимиз учинчи давлатлар учун транзит вазифасини ҳам ўтайди. Бу омиллар Ўзбекистон ва Туркменистонда транзит соҳасида йирик салоҳият мавжуд эканидан далолатдир.

Президентлар минтақавий хавфсизлик масаласига тўхталиб, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашдилар. Ислом Каримов Афғонистонда фақат ҳарбий куч ишлатиш билан вазиятни барқарорлаштириб бўлмаслигини, кенг кўламли халқаро ёрдам асосида иқтисодий ва ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш, давлатчиликни мустаҳкамлаш, аҳолини иш билан таъминлаш, одамларда бунёдкорлик ҳиссини уйғотиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов Марказий Осиёда сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш, минтақада интеграция жараёнларини ривожлантириш, жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий таъсирларини юмшатиш масалалари юзасидан ҳам атрофлича фикр алмашдилар.

Президентлар музокарани Ўзбекистон ва Туркменистон расмий делегациялари аъзолари иштирокида давом эттирдилар. Музокарада асосий эътибор савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Ўзбекистон ва Туркменистон табиий газ казиб олиш ва узатиш борасида дунёдаги етакчи мамлакатлар сирасига қиради. Энергия манбаларига талаб йил сайин ошиб бораётган ва жаҳон иқтисодий инқирози ҳукм сураётган ҳозирги шароитда мамлакатларимизнинг бу соҳада яқиндан ҳамкорлик қилиши гоёқ муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон, Россия, Қозғистон ва Туркменистон ўртасида Каспийбўйи қувурини барпо этиш юзасидан келишувга эришилган. Ўзбекистон ўз ҳудуди орқали ўтадиган Туркменистон-Хитой газ қувурини барпо этиш лойиҳасини қўллаб-қувватлайди. Икки лойиҳа ҳам Ўзбекистон ва Туркменистоннинг экспорт йўналишларини кенгайтиришга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).



Пойтахтимизнинг «Туркистон» саройида Ўзбекистон ва Туркменистон санъаткорларининг концерт дастури намойиш этилди.

Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат



## Ўзбекистон-Туркменистон:

# Қадимий қардошликка асосланган ҳамкорлик

(Боши 1-бетда).

Бироқ бу чегара эмас. Соҳага биргаликда сарможа жалб этиш орқали, яъни йирик халқаро консорциумлар тузиш йўли билан Ўзбекистонда ҳам, Туркменистонда ҳам нефт-газ соҳасида юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин. Бу нефт-газ саноати келтирадиган даромадди бир неча ҳисса ошириш имконини беради. Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Туркменистонга сиёсий ва гуманитар манфаат ҳам келтиради. Чунки шу орқали давлатларимизнинг ҳамжиҳатлиги мустаҳкамланади, икки томонда янги иш ўринлари, янги инфратузилма иншоотлари барпо этилади.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Туркменистон халқаро транзит юк ташиш борасида катта имкониятларга эга. Бу соҳадаги амалий ҳамкорлик туфайли йилига мамлакатларимиз худуди орқали ташиш ўтиладиган Ўзбекистон ва Туркменистонга тегишли экспорт-импорт юклар ҳажми қарийб 2,5 миллион тоннага етмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ҳам устувор соҳалардан. Ўзбекистон ва Туркменистон халқлари деҳқончилик, боғдорчилик, узумчилик, чорвадорлик соҳасида бой тажрибага эга. Икки мамлакат селекция соҳасида катта муваффақиятларга эришмоқда. Замонавий қишлоқ хўжалиги технологиялари бўйича тажриба алмашиш икки томон учун ҳам фойдали. Гурбангули Бердимухамедовнинг 2008 йил март ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи чоғида имзоланган агросаноат мажмуи соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим бунинг учун ҳуқуқий асос бўлади. Бу ҳужжатда Ўзбекистондан Туркменистонга қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб бериш ҳам назарда тутилган. Мухтасар айтганда, мамлакатларимиз нафақат замонавий қишлоқ хўжалиги технологиялари борасида тажриба алмашиши, айна пайтда агротехникага оид янгилаштириш бўйича қўшма тадқиқотлар ўтказиши ҳам мумкин.

Дунёда энг сердаромад соҳалардан бирига айланиб бораётган сайёҳлик ҳамкорлигининг яна бир устувор йўналишидир. Бу борадаги ҳамкорлик икки томонлама сайёҳ алмашуви ривожлантириш, халқ хонадорлиги буюмларини тайёрловчи усталарнинг меҳнатини рағбатлантириш ва даромаднинг ошириш баробарида учинчи давлатлардан сайёҳ жалб қилишга хизмат қилади. Бошқача айтганда, Ўзбекистонга келган сайёҳ Туркменистон, Туркменистонга келган сайёҳ Ўзбекистон орқали қайтиб кетишини йўлга қўйиш мумкин. Буларнинг барчасига сайёҳлик компанияларининг биргаликда маркетинг тадқиқотлари ўтказиши орқали эришиш мумкин. Шу тарихи миллий авиакомпанияларнинг ҳамкорлигини кенгайтириш учун ҳам асос яратилади.

тириш учун ҳам асос яратилади.

Ўзбекистон Туркменистонга хизматлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, механик ускуналар, транспорт воситалари, шифа ва қора металл ҳамда улардан тайёрланган буюмлар, оптик асбоблар, кимё маҳсулотлари экспорт қилади. Туркменистондан Ўзбекистонга пластмасса ва ундан тайёрланган буюмлар, хизматлар, минерал моддалар, ноорганик кимё маҳсулотлари импорт қилинади. Албатта, икки томонлама савдодаги товарлар рўйхати бундан анча катта. 2008 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 132,3 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Бу рақам 2007 йилдагига нисбатан 38 фоиз кўп бўлса-да, ҳали Ўзбекистон ва Туркменистон имкониятлари даражасида эмас.

Қўшма корхоналар сони ҳам икки томонни қониқтирмайди. Нефт-газ, қишлоқ хўжалиги, транспорт, сайёҳликдан ташқари кўплаб бошқа соҳаларда ҳам қўшма корхоналар ташкил этиш мумкин. Улар сирасига ахборот технологиялари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, тўқимачилик ва бошқа соҳалар киради.

Фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ҳамкорликнинг янги йўналишларини очиб ва ривожлантириш Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия зиммасига юкланган. Сўнгги йилларда Президентлар ташаббуси билан ушбу комиссия мунтазам равишда мажлислар ўтказиб келмоқда. Хусусан, Ҳукуматлараро қўшма комиссия 2008 йилнинг январидида Ашхободда, жорий йилнинг 12 феврал кўни Тошкентда мажлис ўтказди. Келишувга биноан, унинг Ашхободдаги мажлиси доирасида Ўзбекистон Республикасининг миллий кўرғазмаси ташкил қилиниб, унда бир юз ўттиздан зиёд фирма ва компания иштирок этди, иш одамлари ўртасида бевосита мулоқотлар бўлиб ўтди. Туркменистон томонидан айна шундай кўрғазма Гурбангули Бердимухамедовнинг Тошкентга ташрифи асносида очилди.

Музокарада гуманитар ҳамкорлик масалалари ҳам кўриб чиқилди. Албатта, бу йўналишдаги алоқаларни ривожлантиришда халқларимиз ўртасидаги маънавий яқинлик, анъанавий дўстлик ришталари муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон ва Туркменистон халқлари бир-бирининг адабиётини, маданияти ва санъатини яхши билади. Биргина мисол, Ўзбекистонда Махтумқули, Туркменистонда Навоий асарлари кириб бормаган хонадон йўқ, деса бўлади.

Ўзбекистон ва Туркменистоннинг маданият ва санъат намоёндалари икки мамлакатда ташкил этиладиган фестивал, кўрғазма ва форумларда мунтазам иштирок

этиб келадилар. Хусусан, туркменистонлик санъаткорлар Самарқандда ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг доимий иштирокчиларидир.

Президент Ислон Каримовнинг 2007 йил октябр ойидаги Туркменистонга давлат ташрифи асносида 2008-2010 йилларда маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури қабул қилинган. Музокарада ушбу дастур ижросининг бориши ҳам кўриб чиқилди.

Музокарада яқинда Ислон Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов Ўзбекистон-Туркменистон Қўшма баёнотида имзо чекдилар. Мамлакатларимиз ўртасида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазо ўташини давом эттириш учун топшириш тўғрисидаги шартнома, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик, давлатлар ҳудудларида гайриқонуний тарзда ҳозир бўлган шахсларни қабул қилиш-топшириш, Ўзбекистон-Туркменистон давлат чегарасида чегара комиссарларининг фаолияти тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати билан Туркменистон Давлат туризм ва спорт ишлари қўмитаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислон Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов музокаралар очиб, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон-Туркменистон муносабатларини янада ривожлантиришга, икки мамлакат халқлари манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар. Икки томонлама муносабатларга доир масалалар, кўриб чиқилган халқаро ва минтақавий муаммолар борасида Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарларининг нўқтаи назари ўхшаш ва яқин эканлиги қайд этилди.

— Ушбу ташриф Ўзбекистон-Туркменистон муносабатлари изчил ривожланиб бораётганининг яна бир тасдиғи бўлди, — деди Ислон Каримов. — Бугунги музокарада ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш борасида икки мамлакатнинг интилишлари муштарак эканини яна бир бор намоён этди.

Мамлакатимиз раҳбари музокарада Марказий Осиёда сув-энергетика захираларидан фойдаланиш масалалари ҳам кўриб чиқилганини маълум қилиб, трансчегаравий дарёлар бўйида қар қандай

гидротехник иншоот барпо этиш учун қўшни давлатлар билан келишиш, халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя қилиш зарурлигини таъкидлади.

— Ўзбекистон бизнинг муҳим ва ишончли шеригимиздир, — деди Гурбангули Бердимухамедов. — Туркменистонда Ўзбекистон билан муносабатларга алоҳида аҳамият берилади. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми тобора ошмоқда, иқтисодиёт, маданият ва санъат, таълим ва бошқа соҳалардаги алоқалар кенгаймоқда. Ривожланиб бораётган Туркменистон-Ўзбекистон муносабатларини юксак кадрлаймиз.

Дўрмондаги расмий тадбирлар ниҳоят сизга етгач, Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов ва Туркменистон Президентини Гурбангули Бердимухамедов Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлок истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди, мамлакатимизнинг бош майдонига амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди.

Ислон Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов «Ўзэкспомарказ»да бўлиб, Туркменистон миллий кўрғазмасининг очилиш маросимида иштирок этдилар. Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарлари икки мамлакатнинг иқтисодий имкониятларидан хабардор бўлиш, янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятларини ўрганишда ишбилармонларнинг бундай анжуманларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг 2008 йилнинг март ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида ушбу мамлакат элчихонасининг янги биносига пойдевор қўйилган эди.

Ислон Каримов элчихонанинг янги биноси ўзининг кўриниши ва салобати билан ажралиб туришини, ривожланиб бораётган Ўзбекистон-Туркменистон муносабатларини акс эттиришини таъкидлади.

Гурбангули Бердимухамедов Тошкентда Туркменистон элчихонасининг янги биноси фойдаланишга топширилгани ўзаро муносабатларда янги босқич бошланганидан дарак беришини қайд этиб, бундан буён бу ҳамкорлик янги суръатлар билан ривожланишига ишонч билдирди.

Шу билан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи ниҳоятга етди. Олий мартабали меҳмонни Тошкент аэропортида Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов кузатиб қўйди.

Анвар БОБОЕВ,  
ЎЗА махсус мухбири

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 25 феврал кўни пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»га ташриф буюрди. Бу ерда Туркменистон Миллий кўрғазмасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.**

Маросимда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари Президент Ислон Каримовнинг 2007 йил октябр ойида Туркменистонга давлат ташрифи асносида имзоланган Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Ислон Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов Туркменистоннинг саноат соҳасидаги ҳамда инновацион салоҳиятини намоён этиш мақсади кўрғазма келгусида Ўзбекистон-Туркменистон савдо-иқтисодий муносабатлари янада раванқ топишига, икки томонлама ҳамкорликнинг янги қирраларини кашф

## Туркменистон миллий кўрғазмаси

этишга хизмат қилишини таъкидладилар.

2008 йили Ашхободда Ўзбекистон Республикаси Миллий кўрғазмаси ўтказилди. Унинг доирасида Ўзбекистон ва Туркменистон корхоналари ўртасида ўнлаб шартномалар имзоланди.

Туркменистоннинг турли соҳаларда фаолият юритувчи компания ва корхоналари юртимизда ўтказиладиган кўплаб кўрғазмаларда фаол иштирок этиб келмоқда. Туркменистон Миллий кўрғазмасини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, сарможавий, гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистон ва Туркменистоннинг фойдаланилмаётган иқтисодий имкониятларини ишга солишдан иборатдир. Бу тадбир иш одамларининг икки мамлакат салоҳияти ҳақидаги маълумоти-

ни ошириш имконини беради.

Кўрғазмада «Гап туркмен», «Ениш», «Туркмен атлари», «Балкандома», «Туркменхали» каби ўндан зиёд компания, уюшма ва корпорациялар, транспорт, алоқа, энергетика, кимё, фан-таълим, маданият, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳалари учун масъул вазирлик-ва идоралари тизимида фаолият кўрсатувчи қирқдан зиёд корхона ўз маҳсулотлари ва хизматларини намоён этмоқда.

— Кўрғазмада Туркменистоннинг тўқимачилик корхоналари ўз маҳсулот ва хизматлари билан қатнашмоқда, — деди Туркменистон тўқимачилик саноати вазирлигининг «Алтин Асир» маркетинг маркази директори Майя Караханова. — Корхоналаримизда ишлаб чиқарилаётган ранг-баранг миллий матолар, кийим-кечаклар, чой-шайлар юқори сифати, қўлайли-

ги ва экологик тозаллиги билан ажралиб туради. Мамлакатингиздаги шериклар билан ўзаро алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдоримиз. Тадбир доирасида бу ердаги корхоналар билан муайян битимлар имзоланиши режалаштирилган. Ўзбекистон ишбилармонлари билан ҳамкорлигимиз келгусида янада мустаҳкамланишига ишонамиз.

Кўрғазмада Туркменистон корхоналарида ишлаб чиқарилган тўқимачилик, кимё, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, қандолат маҳсулотлари, мебел ва мебел фурнитураси, қурилиш материаллари, иқтисодиётнинг турли соҳаларида ва уй-рўзгор ишларида қўлланиладиган қурилма ва буюмлар, транспорт ва алоқа ускуналари билан танишиш мумкин. Бу ердаги товарлар хилма-хил бўлиб, улар орасида фармацевтика ва микробиология маҳ-

сулотларидан кимёвий толагача учратиш мумкин.

— Корхонамиз заргарлик буюмлари ва миллий безаклар тайёрлаш билан шуғулланади, — дейди «Туркменалтин» компанияси вакили Огулбай Бяшимова. — Мақсадимиз Ўзбекистон халқини миллий маданиятимиз, анъана ва қадриятларимиз билан яқиндан таништиришдан иборат. Компаниямизнинг веб-сайтлари Ўзбекистон аёлларининг хуснига хусн қўшса, меҳнатимиз зое кетмаганидан хурсанд бўлардик. Ушбу кўрғазма Ўзбекистонлик шерикларимиз билан ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш имконини беради. Юртингиздаги ишбилармонлар билан ўзаро манфаатли шартномалар имзолаш ниятидамыз.

Туркменистон Миллий кўрғазмаси икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Нодира МАНЗУРОВА,  
Анна ИВАНОВА,  
ЎЗА мухбири



## Қўллари-ла шифо улашаётган Розахон



Сихатгоҳга келган киши борки, уқалаш муолажасини олсам дейди. Роза Суярова эса дам олиб соғлигини тиклаётган одамларга мана шундай хузур-халовотли муолажани ўз қўллари билан улашадиган кўнгли очик ҳамширалардан.

Унинг муолажасини олганлар, албатта, «Қўлларингиз дард кўрмасин» деб кетишади.

Р.Суярова аввал темирйўл поликлиникасида ҳамшира бўлиб ишларди. Кейин «Назарбек» сихатгоҳининг доврўгини эшитиб қолди. Борса, иш ўрни бор экан. Шунга ҳам 15 йил бўлибди. У бу ерга келди-ю, жамоа билан тезда чиқишиб кетди, ҳамкасблари орасида ўзига яраша обрў топди.

— Бизнинг ишда бировларнинг раҳматини олишдан катта бахт йўқ, — дейди у.



## Олқиш олаётган Озода

**Озода Рустамбекованинг «Назарбек» сихатгоҳига келиб ишлаш бошлаганига 21 йил бўлди. У болалигидан ҳамшира бўлишни орзу қиларди. Боғчада дугоналари билан ўйнаганда дарров «доктор опа» бўлиб оларди.**

Мактабнинг саккизинчи синфини битириб, хужжатларини Сирғалидаги темирйўл билим юртига топширди. 1985 йил эди ўшанда. Синовлардан муваффақиятли ўтди. Талабаликда ҳамширалик сирларини пухта ўрганди. Дугоналари орасида укол қилиш борасида унга етадигани йўқ эди. Касб тақозосига кўра, ширинсўзлик ҳам беморлар учун ярим даво эканлигини у жуда яхши тушунарди. 1988 йили Назарбек касалхонасига ишга келди. Уни касалларни эмлаш хонасига ҳамшира қилиб қўйишди. Кейинчалик касалхона сихатгоҳга ай-

лантирилган, физиотерапия бўлими мудири Умида Алимхўжаева уни катта ҳамшираликка таклиф этди.

— Озода билан 21 йилдан буён бирга ишлаб, ҳеч кимдан у ҳақида салбий фикр эшитмаганман, — дейди У.Алимхўжаева. — Барча ҳамкасбларига ўрнак бўлиб келмоқда. Дам олишга келганларнинг меҳрини қозонади. У томирга укол қилишга жуда уста. Баъзилардек ўша жойни кўкартириб юбормайди. Ўзи ҳам ўта тиришқоқ. Физиотерапия ағпаратларини ишлатишни яхши билади, янгилари келса, тезда ўрганиб олади. Шунинг учун у бу ердаги қизларга муносиб бошлиқ. Характери ҳам, муомаласи ҳам яхши...

## Муолажа ҳамшираси Гулнора Қурбонова

Гулнора кичкиналигида онаси билан ҳамшира қўшнилариникига чиқди дегунча у аёлдан ишлатилган шприцларни сўраб олар, кейин уларга сув солиб, ўзича нималаргадир укол қилгандек бўларди. Ҳавас орзуга айланди. Интилганга толе ёр деганларидек, у Тошкентдаги Йўлдош Охунбобоев номли тиббиёт коллежини битирди.

1987 йили Назарбекка келиб ички касалликлар бўлимига ҳамшира бўлиб жойлашди.

— Бу ерда иш бошлаганимга ҳам 22 йил бўлибди, — дейди Гулнора Қурбонова. — Ишим ўзимга ёқади. Чунки ёшлигимдан ўзим қизиқиб кирган соҳам. Дам олувчиларнинг соғлигини тиклашга ёрдам бераётганимдан ҳаммиша қувонаман. Бизнинг иш — эзгу иш. Шунинг учун ҳамма дуо қилиб кетади.



**Ўзбекистон темирйўлларига қарашли санитарий ва профилакторийларда соҳа меҳнаткашлари ҳамда бошқа фуқароларнинг дам олиши ва саломатлигини тиклаш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда. Шулардан бири Ўзбекистон темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши тасарруфидаги «Назарбек» сихатгоҳидир.**

Сихатгоҳ бундан 10 йил аввал 1999 йилнинг 15 августидан ишга тушган. У «Назарбекдаги Швейцария» деб эл озгига тушгани бежиз эмас. Бу ердаги шифо-муолажа имкониятлари ва услублари, маъданли сув хосиятлари, мутахассис шифокорларнинг маҳорати, дам олиш шароитлари ва иқлим сихатгоҳга келиш орзусида бўлган кишиларни қизиқтириши табиий.

1976 йили ўша пайтдаги Ўрта Осиё темирйўл бошқармасининг соғлиқни сақлаш хизмати раҳбари Ш.Эшонхўжаевнинг ташаббуси билан Назарбекда замонавий тиббий мажмуани лойиҳалаштириш бошлаб юборилганди.

1991 йили Ўзбекистон мустақиллиги арафасида мажмуанинг 120 ўринли дастлабки биноси темирйўлчиларнинг Марказий клиник касалхонаси сифатида фойдаланишга топширилган. Кейинчалик сихатгоҳга айлантирилди.

«Назарбек» сихатгоҳи Тошкент шаҳрининг гарбида, шаҳардан 5-6 км. олисда, Зангиота туманининг сўлим гўшасида жойлашган.

Кенг тармоқли даволаш усуллари эга сихатгоҳимизда кардиология, уралогия, генекология, неврология, игна билан даволаш, нефрология, ошқозон-ичак касалликлари, физиотерапия, ўт-ғиёҳлар дамламаси билан даволаш бўлими мавжуд. Бу ерда асаб, юрак-томир ва таянч-ҳаракат тизими, ошқозон-ичак касалликлари, аёллар ва эркеклар жинсий хасталиклари турли электр муолажалари, маъданли сувли ванналар, душлар, шам-озокерит, шифобахш балчиқ, сауна, минерал сувли ҳавуз, бадантарбия машқлари, фитобар ёрдамида муваффақиятли даволанади.

Даволашни кўр-кўрона бошламаймиз. Аввало, ҳар бир киши диагностика бўлимида назоратдан ўтказилади ва шунга қараб даволаш курслари белгиланади. Бунда эркекка, аёлга, қарияларга ва ёшларга ўз соғлиғи туғрисида тушунтириш берамиз. Улар ўзлари-

га қайси даволаш усули мумкин-у қайси бири мумкин эмаслигини билиб олишади. «Назарбек»нинг маъданли суви Семашко сихатгоҳидаги каби кам ишқорли бўлгани учун ичилганда жигар, ўт пуфағи, ошқозон-ичак ва пешоб йўлларидаги

юқори тўлқинли тоқлар билан даволаш, мадаңли сувли ванна, сочма душ, сув ости уқалаш, бадантарбия машғулоти, дарсанвал, сауна, чўмилиш учун ҳавуз айнан шу бўлимадир. Кейин бу бўлимда шифобахш балчиқ, парафин-озокерит

асабга ҳаловат бериб, қон айланишини яхшилайдди, юрак атрофига берилган электр муолажалар ҳам қон айланишини яхшилайдди. Неврология бўлимида эса асаб тизими касалликлари, остеохондроз, умуртқа поғонаси бўйлаб бўғинларда дард бўлган беморлар игна терапийаси ва нинали болға сингари усуллар билан самарали даволаб келинмоқда. Нефрология бўлимида буйрак клиник таҳлилдан ўтказилгандан сўнг парафин-озокерит муолажаси, балчиқ оплекацияси, солюкс, электрофарез муолажалари шамоллашга қарши дорилар билан тавсия этилади. Дам олувчиларга физиотерапия даволаш усуллари билан бирга медикаментоз даво усуллари, иглорефлексиятерапия,

малар сихатгоҳнинг ўзида нақд пулга ёки пул ўтказиш орқали берилади. Дам олувчиларга қулайлик яратиш мақсадида сихатгоҳда 50 та бир кишилиқ ва икки кишилиқ люкс, яримлюкс хоналари ташкил этилган.

Сихатгоҳимиз қошида поликлиника ҳам мавжуд. У ерда барча касалликлар бўйича мутахассислар бор. Йўлланма билан келганларга текинга хизмат кўрсатилади.

Сихатгоҳимиздаги шароитни яхшилашга «Ўзбекистон темирйўллари» ДАТК раҳбарияти ва Ўзбекистон темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши ҳисса қўшиб келмоқда. Масалан, 2007 йили компания раҳбарияти физиотерапия бўлимига «Электросон-4», Дарсанвал, «Искра-1» аппаратларини олиб берган эди. 2008 йилда 5 млн. сўмга 10 та тренажёр мажмуасини олиб беришди. Натижда, физиотерапия бўлимидаги машғулот зали тренажёрлари сони 16 тага етди.

Шунингдек, компания раҳбарларининг ёрдами билан 2008 йилда 16 нафар ҳамширамиз малака ошириш курсларида ўқиб келди ва уларнинг 13 таси олий тоифали, 3 таси 1-тоифали ҳамшира даражасини олди.

Сихатгоҳда 164 ходим хизмат қилади. Улардан 10 нафари олий тоифали шифокор, 32 ҳамширанинг 25 нафари олий ва биринчи тоифалидир. Улар орасида ҳўжалик ҳисобида иш юритувчи поликлиниканинг ултраовуш диагностикаси бўйича шифокори Хуршид Аъзамхўжаев, кардиолог Шоиста Абдухалилова, терапевт Дилфуза Қорабоева, невропатолог Дилфуза Мирзааҳмедова, ҳамшира Маҳфуза Зиямухаммедоваларни кўпларга ибрат қилиб кўрсатса бўлади.

«Назарбек» сихатгоҳи жамоаси бундан буён ҳам барча юртдошларимизга сидқидилдан хизмат кўрсатади.

«Назарбек»ка марҳамат!

**Шаҳриёр ЭШОНХЎЖАЕВ,**  
«Назарбек» сихатгоҳи бош врач, тиббиёт фанлари номзоди

чўкиндиларни ҳайдайди. Натихада қон тозаланиб, саломатлик тикланиб боради. Шифокорлар бу сувнинг 90 хил касалга даво эканлигини аниқлашган. Шунинг учун маъданли сувдан кенг қўлланмоқда.

Диагностика бўлимида ЭКГ, Эхо-ЭГ, рентген, УТТ, клиник ва биокимёвий тажрибахона, стоматология хонаси мавжуд. Уларда малакали шифокорлар ишлайдди.

Сихатгоҳимизда даволаниш билан бирга мадаңий ҳордиқ чиқариш учун ҳам барча шароитлар бор: 23 минг китоб фондига эга кутубхона, маънавият ва маърифат хонаси, теннис ва билиард хонаси, чойхона, савдо расталари, буфет ишлаб турибди. Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштирилади, оқшомлари сихатгоҳ клубида дискотека ва концертлар ташкил этилади. Шунингдек, суратхона ва шаҳрлараро телефон хизмати, эркеклар ва аёллар сартарошонаси, автоулов учун махсус гараж ҳам дам олувчилар хизматида.

Дам олувчиларнинг муолажа оладиган энг катта бўлим физиотерапия бўлиמידир. Барча турдаги электр муолажалар, магнитотерапия, нур, ултраовуш ёрдамида

билан муолажалар ўтказилади. Бундай иссиқ муолажалар суяк-бўғин, асаб тизими, ошқозон-ичак, урологик ва гинекологик касалликларда кенг қўлланмоқда.

Бўлимда аэрозоллар билан даволаш, уқалаш, инакларни маъданли сув билан ювиш каби даволаш усуллари ҳам яхши йўлга қўйилган. Ўтган йили остеохондроз ва грижаси бор касаллар учун умуртқа поғанасини тортиш каби янги муолажа усулини йўлга қўйдик.

Физиотерапия бўлимини кўп йиллардан буён таҳрибали шифокор Умида Алимхўжаева бошқариб келади. Бўлимда ишловчи катта ҳамшира О.Гаус, М.Миржалилова-лар кўпчилик ҳурматини қозонган ходимларимиздан. Кардиология бўлимида беморларга юрак хурижи даври ўтгандан сўнг, яъни юрак огриклари бўлмаган пайтда маъданли сув, сочма душ, дарсанвал муолажаси берилади, энгил бадантарбия машқлари қилдирилади. Марваридли ванна юракни тинчлантиради, сочма душ эса

фитотерапия муолажалари беришга ҳам катта эътибор қаратилади.

Сихатгоҳимизда дам олувчиларни парҳез таомлари билан даволаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Даволашни чоғида парҳез таомлари ҳам беморнинг тузалишида катта рол ўйнайди. Ўтган йиллар давомида сихатгоҳда 25 мингдан ортиқ киши соғлигини тиклаб кетди. Келувчилар эса йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, 2000 йили 1863, 2006 йилда 3450 киши дам олди. 2007 йили ҳам режадаги 2100 киши ўрнига 3694 та талабгорни дам олдиришга эришдик. 2008 йилда 3739 киши дам олди.

Ҳозир «Назарбек» сихатгоҳида нафақат темирйўлчилар, балки истаган соҳа ходимлари ҳам келиб бемалол дам олиб кетиши мумкин. Йўллан-

**СИХАТГОҲ МАНЗИЛИ:** Тошкент вилояти Зангиота тумани Тарнов кўрғони. «Чилонзор» метросидан 480-микроравтобус ва 471-маршрут такси, «Чорсу» бекатидан 461-маршрут такси ва 238-автобус, Жанубий вокзалдан 471-маршрутка билан бориш мумкин.

Телефон: 397-96-51.







## Мухокама учун мавзу

Курсдошимниги борсам катта ёшдаги бир кўшниси ҳам ўтирган экан. Журналист эканлигимни билгач, дардларини айтиб қолди.

— Қизим, яхшилаб ёзинглар. Токи одамлар бундан хулоса чиқариб олин...

Яқинда яхши ниятлар билан тўй қиладиган бўлдик. Икки қуда тўйни қандай ўтказишни келишиб

мундоқ ўйлаб қаралса, эрталабки ошни ошқозон ҳазм қилолмайди-ку. Бунинг турган битгани зиён. Нонушта энгил бўлиши керак, дейишади шифокорлар. Кўпчиликнинг бежиз ошқозони оғримаса керак.

Ошдан сўнг қуда томондагилар келган

кун дейилган. Аммо бизда тўй қилганга ҳам, ўлик чиқарганга ҳам қийин. Чунки ўзимиз ўйлаб топган худойи, етти, йигирма, қирк, йил ошларимиз бор.

Гоҳида кўп болали хонадонларда бир гапни эшитиб қоламиз: «Сен туғилдинг, ташвиши-миз кўпайди. Агар туғилмаганимда, бунчалик гам-ташвиш бўлмасди!». Фарзанд бўлгандан сўнг унинг ширин ташвиши ҳам бўлади-да. Бунинг учун болани айблаш керак эмас. Айбни ўзимиздан излашимиз лозим.

Ҳа, тўй яхши маросим. Аммо бундан ҳеч ким азият чекмаса яхши. Хайриятки, маҳалла оқсоқоллари бор. Қибрай туман



олдик. Қудамиз кўшни маҳалладан эди. Тўй кунини белгиладик. Эрталаб қуда томон ош қиладиган бўлди.

Тонг сахар соат бешларда ўн-ўн бешта бўлиб уларнигикига ўрдик. Қудалар билан ҳол-аҳвал сўрашиб, безатилган дастурхон атрофига ўтаётганимда мезбонлардан бири ёнидаги шеригини туртиб айтган гапи қулоғимга чалинди: «Вой-бўй! Намунча кўпчилик бўлиб келишибди?».

Бу гапни эшитдим қотиб қолдим. Зўрга жойимга ўтирдим. Ишта ҳам ҳам бўғилди. Чиқиб кетай десам, қудаман. Ўтирай десам, мезбонларнинг гапи қулоғим остида жаранглагандек бўлаверади.

Ўша кун ош эмас, захар егандек бўлдим. Ўйга келиб ошқозоним шунақанги оғридики, ўтиргани жой тополмай қолдим. Бу оғриқ уч кун давом этди. Аммо мезбонларнинг гапи юрагимда доғ бўлиб қолди.

Назорги ошни ким ўйлаб топган экан? Ахир

меҳмонларга тўн кийгишиди. Бу ҳам бир чиқим. Чопон кийдириш шартми? Тўйдан сўнг ҳар иккала томоннинг кўпинча қарзга ботишига сабаб ана шундай ортиқча чиқимлардир.

Сарф-харажатларини камайтиришса ҳам бизнинг аёллар орзу-ҳавасга ўч. «Озиб-ёзиб бир тўй қиляпмиз. Шунинг учун бошқаларникидан ортиқ бўлса бўладик, кам бўлмаслиги керак. Нима, менинг фалончидан кам жойим борми?», дея эрининг қулоқ-миясини ейишади. Бу-ку тўй. Бироқ мотам бўлса, ўша хонадондагилар қозон осиб худойига ош қилишади.

Ҳеч қаерда бундай расм-русум йўқ. Фақат бизнинг ўзбекларда бор. Аслида ошни фақат тўйларда қилишарди-ку. Диний китобларда аза уч

нидаги Фафур Гулом маҳалласининг собиқ оқсоқоли Қутбиддин ака тоғора деган нарсани камайтиришга эришибди. Энди ҳайитларда қирқта тоғора ўрнига ўнтадан қилишаётган экан. Агар аёлларимиз макр билан иш тутиб ундан ошқича жўнатадиган бўлишса, ҳар бир тоғора учун уч минг сўмдан жарима эълон қилибди.

Ўзини ҳурмат қилган ҳар бир инсон бу қоидага риоя қилиб, ўзлари ҳам хурсанд бўлиб юришибди.

Фақат бундай маҳалла фаоллари орамизда кам. Агар улар кўп бўлганида эди, аллақачон ортиқча маросимларга чек қўйилган бўларди...

Тўй ва маросимларни янада ихчамлаштириб, соғлом бўлиб, ўйнаб-қулиб яшаганга нима етсин!

Хонбиби МАҲАМОВА

## Офатлардан бири

Охирзамон пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломгача ва у зотдан кейин ҳам қайта-қайта такрорланиб, таъкидлаб келинган гуноҳи кабиралардан бири зинодир. Унинг турлари кўп. Кўз, қалб, хаёл, тан зинолари шулар жумласидан.

Ривоят қилишларича, ҳазрати Али (р.а.)нинг хотираси жуда ўткир бўлиб, кунлик эшитган барча илмлари ёдида қолар эди. Ногаҳон бир кун бир аёлга узоқ тикилиб қолди. Хаёли лаҳза чалғиди. Шу ондан бошлаб бир кунда ёд оладиган илмини уч кунда ёдлайдиган бўлди. Табиийки, у қаттиқ тавба ва пушаймон қилган эди. Аммо бугун биз минглаб зинога дуч келамиз. Айниқса, кўзларимиз қанча гуноҳ ишлайди. Балки шундан онгимиз ўтмаслашиб, ақлимиз каллакраниб, фикр доирамиз тўрайиб бораётгандир. Техника асрининг ютуқ ва камчиликлари билан бирга зарари ҳам кўзга ташланади. Энди соатлаб китоб ўқиб ўтириш кўпчиликка эртақдай туюлади. Бунинг ўрнига клип ёки кино кўриш, ҳаёсиз суратлар томоша қилиш каби нохуш ҳоллар кўпаймоқда. Бу эса инсон шуурига аёвсиз чанг солади. Ақлни кишанлайди. Қилинаётган ҳар ишда саноксиз нуқсонлар учрайверади.

Ишхонадан қайтаётиб, бекат ёнидаги реклама суратига кўзим тушди. Ям-яшил майсалар устига сап-сарик япроқлар тўкилган. Улар устида бир йигит ва бир қиз осмонга қараб ётибди. Яшил майсалар устига саргайган япроқлар қандай тўкилишини тушуна олмаганим каби, йигит ва қизнинг бу ётишида ҳам мантиқ кўрмадим. Ахир реклама узоқни яқин қилувчи уяли алоқа ҳақида эди-да. Автотубсга чиқдим. Экранда реклама кетмоқда: «Клиплаар, филмлаар, вооов...». Сўнгра қўшиқ бошланди. Жувон куйлар, икки-учта йигит рақс тушарди. Қизик, авваллари эркаклар куйлар, аёллар хиром айлашар эди...

Умуман... ҳаёт тарозисининг посангиси бугун нега бунча энгил? Нега умр палласининг рўпарасига тош бомайдиган, балки келажакка раҳна соладиган алламбало нарсалар кўйилмоқда? Нима сабабдан ўқув даргоҳларида исмини тўғри ёзолмайдиган «илми толиб»лар пайдо бўлаётир?..

Ўйлаган сари бошинг қотади. Хоразмда Нажмиддин Кубродан бошланган жавонмардлик тариқатининг давомчиларидан бири Паҳлавон Маҳмуд 14-асрдан бизга қарата шундай хитоб қилади:

**Токи бор мардлигу гайратдан асар,  
Аҳли аёлингни этма дарбадар.  
Мева шохи агар девордан ошса,  
Йўловчилар унга бешак қўл чўзар.**

Номларини мангуга муҳрлаган бундай табаррук зотлар асрлар оша бизни нимадан бу қадар огоҳ этади?! Уларга муносиб ворис бўлаяпмизми? Бизнинг аҳли аёлимиз, қиз-келиндаримизнинг ҳоли қандай? Ўғилларимизда гурур мустаҳкамми? Ҳар биримизнинг оиламиз бугуннинг катта офатларидан бири — зино чангалидан ҳар томонлама ҳимоядамикан?..

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ

## «Ishonch» га жавоб берадилар

Мақола Халқ таълими вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси, Пахтакор туман халқ таълими бўлими ҳамда вилоят ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжинеринг компанияси ва пудратчи ташкилотлар раҳбарлари томонидан жойида ўрганиб чиқилди.

Унда қайд этилган аксарият камчиликлар бугунги кунда бартаф этилган. Ушбу масала жорий йил 29 январда туман таълим муассасалари раҳбарлари иштирокидаги кенгайтирилган йиғилишда атрофлича муҳокама қилинди.

Шунингдек, 15-мактаб биносига таъмирлаш ишлари пудратчи ташкилот томонидан тўлиқ қайтадан бажарилди. 1-, 8-мактабларда эса электр тизимидаги нуқсонлар тузатилди. 1-мактабда лойиҳада кўзда тутилмаган физика хонасини қайта махсус электр

тармоғига улаш ишларини ўқувчиларнинг дарс машғулотларига таъсир қилмаслиги учун ёзги таътил даврида амалга оширишга келишилди.

2007 йилда капитал таъмирланган 13-мактаб биносининг

## «Қурилишдаги қинғирликлар»



2009 йил 27 январ, 11-сон

дастурга киритилмаган ўқув блокидаги камчиликларни бар

тараф этиш мақсадида бугунги кунда лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда.

Бундан ташқари, қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича етарлича назорат ўрнатмаганлиги, жамоат-

чилик комиссияларининг фаолияти қониқарсиз ташкил этилганлиги, ободонлаштириш ишларини амалга оширишда ва ажратилган жиҳозларни сақланишида камчиликларга йўл қўйганлиги учун 15-мактаб директори О.Суяров билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниб, 1- (Г.Аминова), 11- (З.Солиева), 13- (Н.Назаров) мактаб директорларига, шунингдек, қурилиш-тиклаш ишлари ўз вақтида бажарилишини назорат қилмаганлиги учун туман халқ таълими бўлими му-

дири Э.Тожибоевга «хайфсан» эълон қилинди.

Ушбу камчиликлар юзасидан бугунги кунда вилоят ҳокимлиги ва халқ таълими бошқармаси томонидан тегишли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, уларни амалга ошириш назоратга олинган.

О.СОБИРОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазири ўринбосари

## Янги иш ўринлари

### «Севинч» севинтираяпти

Китоб туманидаги «Севинч» савдо ва ишлаб чиқариш фирмаси «Микрокредит» банкдан 6 миллион 200 минг сўм кредит олиб, хориждан бир кеча-кундузда 1 тонна нон ва нон маҳсулотлари тайёрлайдиган технология келтириб ўрнатди.

— Яқинда Миллий банкдан яна 50 миллион сўм кредит олиб, Гулистон-Улугбек айланма йўлида кунига 1,5 тонна нон ишлаб чиқарадиган янги цехни фойдаланишга топширдик, — дейди фирма раҳбари Мавжуда Сатторова.

Цех ёнида пойабзал таъмирлаш, сартарошхона бинолари қад ростлади. Савдо дўкони, «Музқаймоқ» кафеси ишга туширилди.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да 50 та иш ўрни яратган «Севинч» жамоасининг ибратли юмушлари ҳаммани севинтираяпти.

Иzzат ҲИҚМАТОВ,  
«Ishonch» муҳбири



## Ўзбекистон Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти фаолиятдан

### Жазо муқаррар...

Машина, картошка савдоси ва ҳоказо «савдо»лар қаторига «одам савдоси» тушунчаси ҳам кириб келди. Бугун «фалончи ҳамқишлоқларини олиб бориб сотибди» деса ўн йил илгаригидек, «тавба, одамни ҳам сотадими? Биз қулдорлик жамиятида яшамаяпмиз-ку» деб таажжубланмаслигиниз, табиий. Таракқиёт асрида одам савдоси инсоният олдидаги глобал муаммога айланди.

Қоракўл туманидаги Дўрмон қишлоғида яшовчи Ҳалимжон Соттиев Зоғорақаш қишлоғидаги М.Давлатовлар хонадонига ташриф буюрганда унинг ўғиллари Наби ҳамда Азизнинг Россияда ишлаб келганини яхши биларди.

— Агар ҳўп десаларингиз Қозоғистонда сизбоп иш бор.

— Маоши қанча экан?

— 500 АҚШ доллари - ҳар ой. Шароитга гап йўқ.

— Ишонса бўладими?

— Керак бўлса биринчи иш ҳақини ўн кун ичида аванс тариқасида шахсан ўзим келтириб бераман.

Наби ҳамда Азизларга вояга етмаган Жасур Маҳмудов, Турсунбой Давлатовлар қўшилишди. 2008 йил 17 апрелда бу гуруҳ таркибини саётлик Бунёд, янгибозорлик Зокирлар тўлдирди.

Турсунбой Давлатовга турмуш ўртоғи паспортини бермади.

— Борманг, дадаси. Кўнглим сезаяпти. Ҳозир одамларни сотиб юборишаётган экан.

— Ваҳима қиласан-а, хотин. Келиб-келиб ўзимиз танийдиган, биладиган киши бизни сотадими? - аёлининг соддалигидан кулиб қўйди Т.Давлатов.

Бироқ хотини ҳақ бўлиб чиқди.

2008 йил 18 апрел куни ёлланма ишчиларни Тошкент шаҳридаги «Чилонзор» буюм бозорида Зангиота тумани Назарбек қишлоғида яшовчи Иззатулла Омонов кутиб олди.

Қозоғистонга ўтиш учун Тошкент туманида жойлашган «Тўлабой» чегара постида Т.Давлатовдан бошқа гуруҳнинг барча аъзолари ўтишади.

Йигитларни Қозоғистоннинг Саригўоч туманида яшовчи Қанат Абенов қабул қилиб олади.

Шундай қилиб паспорти йўқ Т.Давлатовни ҳар қанча уринишмасин божхона хизмати ходимлари чегарадан ўтишга қўйишмаган.

— Ҳалимжон, бу одамингиз учун 10 минг сўм беринг. Икки-уч кунда бир амаллаб ўтказиб юборарман, — деди Омонов.

Тайёр ишчи кучи - Т.Давлатовни бир ҳафта ишлатган И.Омонов унга бир тийин ҳам иш ҳақи бермайди.

Қанат Ҳалимжон билан чегарадан ўтказишга эришган 6 кишини Эрлан исмли йигитга 50 минг тангага сотиб юборганини Турсунбой билмагани боис ҳар қандай қийинчилик билан бўлса-да Қозоғистонга ўтиш ниятидан қайтмади.

Чегара постидаги уриниши зое кетгач, Қанат Абенов Ўзбекистондаги бўласи Мурод Аҳмедов билан келишади. Ва ниҳоят 26 апрел куни Т.Давлатов айланма йўллар орқали Қозоғистонга ўтиб олади.

Чордара туманида ўзини Шурик фермер деб таништирган шахс уни Муроддан 10 минг тангага сотиб олганини эшитганида хотинининг «борманг, дадаси» дея ялинганларини эслади. Зўрлик ишлатиб, мажбурий меҳнатга жалб этилган Турсунбой 2008 йил июл ойигача зўрга чидади.

Ҳарбий билети ҳам «қулдор фермер»нинг қўлида. Нима қилишга ҳайрон Т.Давлатов Абай туманида ишлаётган ҳамюрти С.Ниёзов билан телефон орқали боғланди. Жуда қийналиб кетгани, уни сотиб олган Шурикнинг адреси, машинаси, телефон рақамларини билдирди.

— Мен буни сотиб олганман. Пахта йғим-терими тугамаса жавоб беролмайман, — деди Шурик.

2008 йил 9 ноябр куни Т.Давлатов фермер хўжалигидан қочиб, иккинчи «хўжайин» Бахтиёр деган кишининг қўлига тушади. Тайёр «қул»дан Бахтиёр ҳам 14 декабргача фойдаланади.

Минг бир азоб билан декабр ойи охирида Турсунбой Давлатов юртга қайтади.

Юқоридаги ҳолатлар юзасидан М.Аҳмедов ва бошқаларга нисбатан жиноят иши қўзғатилган. Ҳозир тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Инотдулло РАҲАБОВ,**  
департаментнинг Бухоро вилоят  
бошқармаси бўлим бошлиғи

Департамент органлари томонидан этил спирти ва алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишни тартибга солиш, унинг четдан ноқонуний олиб кирилиши ва муомалага киритилишининг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йили аниқланган қонунбузарликлар бўйича 615 та жиноят иши қўзғатилиб, ноқонуний муомалага киритилган 685,4 млн. сўмлик этил спирти ва алкоғолли маҳсулотлар олиб қўйилди.

Асосий эътибор алкоғолли маҳсулотлар савдоси бўйича нақд пул тушумини қўпайтириш, маблағларни нақдлаштиришнинг олдини олишга қаратилди.

Андижон вилоятидаги «Қорасув шароб савдо» корхонаси таъминотчиси А.Каримов сохта ҳисоб-фактура асосида 6 минг дона, 8,4 млн. сўмлик «Андижон» ароғини «Хўжаобод шароб» корхонасидан ноқонуний олиб, сотиш учун Андижон туманидаги «Шароб савдо» базасига тушираётганида ушланди. Суриштирувда ушбу ароқлардан 490 донаси гўё «Милениум савдо» корхонасига чиқим қилинганлиги тўғрисидаги сохта ҳужжатлар олинди.

Шунингдек, «Хўжаобод шароб» корхонаси раҳбари Т.Алимов «Қорасув шароб савдо» раҳбари А.Шарипов ва

## Сохтакорлик панд берди

«Пахтабанк»нинг Марҳамат туман бўлими мансабдорлари билан тил бириктириб, «Қорасув шароб савдо» базасидан «Хўжаобод шароб» корхонасига 50 млн. сўм нақд пул топширилганлиги тўғрисида сохта қиванция расмийлаштириб, 103 млн. сўмлик алкоғолли маҳсулотларни олганлиги аниқланди.

Текширишларда ушбу турдаги маҳсулотлар савдосидан тушган нақд пул банкка топширилмаган ҳолатлари ҳам маълум бўлди. Жумладан, Кумкўрғон туманидаги «Ҳомийлар меҳри» хусусий фирмаси сотувчиси Ф.Азимов пул ўтказиш йўли билан сотиб олинган 3,1 млн. сўмлик спиртли ичимликларни нақд пулга сотиб, НКМдан ўтказмаганлиги ва



банкка топширмаганлиги аниқланди.

Ўтказилган тадбирларда алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган 11 та яширин цех фойда этилиб, улардан 3 млн. сўмлик этил спирти ва алкоғолли маҳсулотлар ҳамда махсус ускуналар олиб қўйилди. Хусусан, Шофиркон туманида фуқаро Р.Умаров ўз уйида қўлбола спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келган. Қонунбузарларга нисбатан тегишли чоралар қўрилди.

**Ҳ.ХОЛБОВ,**  
департаментнинг тизимли таҳлил ва режалаштириш бўлими бош инспектори.  
**М.ҲОФУРОВ,**  
департаментнинг матбуот гуруҳи катта инспектори



## Имтиёзни суистеъмол қилиб...

Департаментнинг Сурхондарё вилоят бошқармаси томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарига хизмат кўрсатувчи машина-трактор парклари мол-мулк солиғи имтиёзларидан фойдаланишининг қонунийлиги вилоят солиқ бошқармаси ва лизинг асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берувчи корхоналардан

олинган маълумотлар асосида тизимли таҳлил қилинди. Жумладан, «Шеробод», «Шўрчи», «Кумкўрғон», «Денов», «Қизириқ», «Бандихон», «Бойсун», «Олтинсой», «Ангор», «Жаркўрғон» ва «Узун» МТП АЖларнинг фаолияти юзасидан таҳлил ўтказилган. Аниқланишича, ушбу жамиятлар 1996 - 2000-йилларда Тошкент вилояти Чиноз туманидаги «Таъминотчи пахта» акционерлик жамиятидан лизинг шартномаси асосида олинган «Магнум» тракторлари ва «Кей» комбайнлари бўйича мол-мулк солиғи тўлашда Солиқ кодексининг 269-моддаси 1-қисми 11-бандига (Эски кодекснинг 92-моддаси 1-қисми 12-банди) асосан 5 йиллик муддатга тузилган лизинг шартномалари муддати тугагандан кейин ҳам ушбу қонун талабларига амал қилмасдан, имтиёзларни ноқонуний қўллаб келган.

Мазкур қонунбузарликлар юзасидан жамиятларнинг мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Жиноят иши юзасидан ўтказилган тафтиш натижаларига кўра, жамиятлар томонидан 2004-2007-йиллар давомида 1 млрд. 106 млн. 300 минг сўмлик мол-мулк солиғини тўламай келганлиги аниқланди ва кечиктирилган тўловлар учун 233 млн. 400 минг сўм миқдоридан пеня ҳисобланди.

**О.ЖАЛИЛОВ,**  
департаментнинг Сурхондарё  
вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи

## Яширин цехлар фойда этилди

Департаментнинг Қорақалпоғистон бошқармаси ва туман, шаҳар бўлиmlари томонидан 2008 йилда 44 та яширин цех фаолиятига чек қўйилди. Хусусан, Чимбой туманида яшовчи С.Кенжабоев ва Б.Керимназаровлар уйда мойжувоз ўрнатиб, ёғ ишлаб чиқараётганлиги аниқланган.

Текширишда С.Кенжабоевнинг уйдан 8 тонна чигит, 300 кг пахта ёғи, 600 кг кунжара ҳамда мойжувоз, Б.Керимназаровнинг уйдан 780 кг чигит, 75 кг кунжара ҳамда мойжувоз ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Уларни «Халқобод маммиги» ҳиссадорлик жамияти Чимбой пункти омбор мудир И.Алланиязов ҳамда Чимбой пахта тозалаш заводининг собиқ раиси, ҳозирги вақтда «Қорақалпоқлаҳтасаноат» ҳудудий ҳиссадорлик бирлашмасига қарашли «Агротизмат МТП» бошлиғи лавозимида ишлаётган Ж.Бердимуратовлар Чимбой пахта пункти омборида сақланаётган дориланган чигит билан таъминлаб келган.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, айбдорлар қилмишига яраша жавобгарликка тортилди.

**Б.КОЧКАРОВ,**  
бошқарма матбуот гуруҳи катта инспектори

Саҳифа материаллари обуна бўйича ҳамкоримиз Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛКК департаментининг матбуот гуруҳи билан ҳамкорликда тайёрланди



Департаментнинг Фарғона вилоят бошқармаси ўтган йили коррупция, порахўрлик ҳолатларини аниқлаш борасида бир қатор ишларни амалга оширди. Жумладан, бошқарма ходимлари томонидан «Сўх қурилиш таъмир савдо» ва «Водий Файз қурилиш сервис» МЧЖларнинг норасмий раҳбари У.Тожибоев ва расмий раҳбарлари Х.Тўйчиев ҳамда Я.Яҳёевларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув ҳаракатлари олиб борилган.

## Пора - юзимни қилди қора

Унда У.Тожибоев ва Я.Яҳёев томонидан ташкил этилган «Сўх қурилиш таъмир савдо» ва «Водий Файз қурилиш сервис» МЧЖларнинг ноқонуний фаолият юритишига Сўх туман солиқ инспекцияси ходими Х.Бобоғиёсов раҳнамолик қилиб, улардан бир неча марта таъмағирлик йўли билан пул ундирганлиги, ушбу жамиятларда яқуний текшириш ўтказиб бериш учун 20.000 АҚШ доллари сўраб, 3300 доллар олганлиги маълум бўлган.

Мазкур ҳолат юзасидан ўтказилган тезкор тадбирда Сўх туман ДСИ «Пул оқимларини мониторинг ва таҳлил қилиш

шўъбаси» бошлиғи Х.Бобоғиёсов У.Тожибоев ва Я.Яҳёевлардан пора тариқасида олган пулларида 1000 долларини қайтариб берган вақтда ушланиб, ушбу пул ва Х.Бобоғиёсовнинг ёнида бўлган 100 доллар далилий ашё сифатида олинган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Х.Бобоғиёсовга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, у жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг ҳукми билан озодликдан маҳрум қилинди.

**Р.РАҲМАТОВ,**  
департаментнинг Фарғона вилоят  
бошқармаси  
бошлиғи ўринбосари



















# 7 Бир рақам тилсими

## Дунёнинг етти мўъжизаси

1. Миср эҳромлари
2. Бобил осма боғлари
3. Артемида ибодатхонаси
4. Галикарнас даҳмаси
5. Зевс ҳайкали
6. Родосдаги ҳайкал
7. Искандария маёғи

## Ҳафта кунлари

Жума, Шанба, Якшанба,  
Душанба, Сешанба,  
Чоршанба, Пайшанба

1. Сигир — рўзгорнинг қасоби ва баққоли
2. Асалари — оиланинг табиби
3. Ипак қурти — қизларнинг сеги

## Етти ҳазина

4. Обжувоз — қозоннинг ёғи
5. Тегирмон — қориннинг белбоғи
6. Ўрмон — иморат «суяги», қозон олови
7. Товуқ — ҳам обиёвгон, ҳам дори-дармон

## Етти мукамал фанлар

Қадимги ва ўрта аср таълим тизимида онгни ва мантиқни юксалтирувчи етти фан мавжуд эди. Ушбу фанларни қадимги юнон мутафаккирлари комилликка элтувчи йўл дея таърифлаганлар:

1. Грамматика
2. Мантиқ
3. Риторика
4. Геометрия
5. Арифметика
6. Астрономия
7. Мусиқа

## Етти денгиз

Қадимги денгизчилар дунёни 7 денгиз ўраб туради деб ҳисоблаганлар (океанларни ҳам киритганлар):

1. Шимолий Атлантика океани
2. Жанубий Атлантика океани
3. Шимолий Тинч океани
4. Жанубий Тинч океани
5. Ҳинд океани
6. Арктика океани
7. Жанубий океан

## Қадимги японларнинг етти худоси

Қадимда японлар бахт, бойлик ва узок умр келтириши учун 7 та худони ўйлаб топиди. Бунга эътиқод қилиш 15-асрга келиб жудаям кучайди.

- Улар:
1. Эбису — балиқ овлаш ва савдо худоси
  2. Даикоку — бойлик ва кишлок хўжалиги худоси
  3. Бишамонтен — омад худоси
  4. Бензаитен — сув ва мусиқа худоси
  5. Котеи — мой худоси
  6. Фукурокужу — абадият худоси
  7. Журожин — узок умр худоси

## Моддаларнинг етти кўриниши

1. Каттик ҳолати
2. Суюқ ҳолати
3. Газсимон ҳолати
4. Плазма ҳолати
5. Нейтрон ҳолати
6. Эпиплазма ҳолати
7. Физик вакуум ҳолати

## Етти сайёра

Қадимги халқлар етти муқаддас сайёра инсон ҳаётига, тақдирига, ўзаро ҳаракатларига боғлиқ деб тушунганлар ва шундан ҳафта кунларини чиқарганлар. Кўёш ва Ойни ҳам шунга киритишган. Улар:

1. Кўёш — Офтоб, Шамс, Хуршид, Мехр, Яшиқ; Куч-ғайрат рамзи.
2. Ой — Қамар, Моҳ, Анбар, Ялчиқ; Дилбарлик рамзи.
3. Марс — Миррих, Баҳром, Кўркуд; Жангу жадал тимсоли. Грекларда уруш худоси.
4. Меркурий — Аторуд, Хулкар, Сурайё, Орзу, Дабир; Ақл-заковат, донолик рамзи.
5. Юпитер — Муштарий, Ўнгой, Қорақуш, Буржис; Бахт рамзи.
6. Венера — Зухро, Чўлпон, Сириус, Йилдирик, Нохид, Саҳид; Севги рамзи.
7. Сатурн — Зухал, Секантир, Кронос; Деҳқончилик ва ҳосилдорлик рамзи.

## Етти авлод

1. Фарзанд
2. Невара
3. Чевара
4. Эвара
5. Панневара
6. Овора
7. Бегона

## Етти мусиқа нотаси

1. До
2. Ре
3. Ми
4. Фа
5. Сол
6. Ля
7. Си

1. Оқ
2. Сарик
3. Қизил
4. Қора
5. Кўк
6. Яшил
7. Апелсин ранг

## Етти ранг

Афсоналарга кўра, Римни дастлаб бошқарган 7 подшо эр. ав. 753 йилдан 510 йилгача ҳукмронлик қилганлар:

## Қадимги Римнинг етти подшоси

1. Ромулус
2. Нума Помпилиус
3. Туллус Қостилиус
4. Анус Мариус
5. Луиус Тарқуниус Присус
6. Сервиус Туллиус
7. Луиус Тарқуниус Супербус

Эрамиздан аввалги 6-7-асрларда қадимги Юнонистонда яшаган файласуф ва сиёсатчиларнинг энг машхурлари «етти донишмандлар»дир:

1. Приенлик Биас (эр.ав. 6 аср)
2. Спарталик Чилон (эр.ав. 6 аср)
3. Линдуслик Клеобулус (эр.ав. 6 аср)
4. Коринфлик Периандер (эр.ав. 585 йилда вафот этган)
5. Майтиленлик Питтаус (эр.ав. 650-570)
6. Афиналик Солон
7. Милетлик Фалес

## Етти иқлим

1. Экваториал
2. Субэкваториал
3. Тропик
4. Субтропик
5. Мўътадил
6. Субарктик
7. Арктик

## Қадимги грекларнинг етти донишманди





«ларини эринмай таҳлил қилар ва ўзи газета-журналларга олиб бориб чоп эттирар эди. Пирмат аканинг саъй-ҳаракатлари туфайли Абдулла Орипов, Муҳаммад Али, Омон Матжон, Рауф Парфи, Маъруф Жалил сингари олтишинчи-етмишинчи йилларда

ўзбек шеърятига бургут шиддати билан кириб келган бетакрор талант соҳиблари билан тўғарак машғулотларида, институт залларида юзмаюз учрашдик, суҳбатларидан бахраманд бўлдик...

Институтни битиргандан сўнг иш, уй-рўзгор ташвишлари дегандек — ўзимиз билан ўзимиз овора бўлиб қолдикми ёки Пирмат ака катта вазифаларга кўтарилиб кетганиданми, ҳарқалай, муноса-

коридорга чиқсам, Тоҳир Малик зинадан чиққан жойдаги биринчи эшикка кириб кетаётган экан, орқасидан олиб бориб кирдим. У хона ўртасида кўзойнакли бир йигит билан қўл бериб саломлашаётган эди. Тоҳир ака менга қараб: «Ҳмм...», — деди худди «келдингизми?» деган каби ва деворга тақаб қўйилган диванга ўтирдик. Катта сумкасида кичкина идиш олиб бурнига дори пуфлади — хатти-ҳаракатидан фаҳмладимки, ҳамма гапдан хабардор.

— Бу йигит Муҳаммаджон Аҳмедов, техник муҳаррир, — деди бепарво тарзда. — Асосан шу одам билан ишлайсиз.

Тоҳир Малик болалар ёзувчиси (ўша пайтда) бўлгани, мен болалар газетасида ишлаганим учун бўлса керак:

— Тоҳир ака, журналда бир кун ҳам ишлаганим йўқ, масъул котибнинг вазифаларини тушунтириб берасизда, — дедим ўзимни яқин олиб.

Тоҳир ака инда-

нини шу ерда кўрдим. Журнал гарчанд «бадий-ижтимоий» дейилса ҳам шўровий сиёсатга тўлиқ бўйсундирилган, шу нуқтаи назардан ҳар сўзни қайта-қайта «текшириш», «авра-астарини ағдариб кўриш» шарт эди. Талаб шундай эди.

Ўша йиллари ўзбек адабиётида айрича юксалиш содир бўлаётган эди дейиш мумкин. Аксарият ёш адиблар мафкурарий сиёсат эмас, инсонни, инсоннинг руҳий оламини тасвирлашга эътибор қаратган, уларнинг асарларида «социалистик реализм»га зид услублар бўртиб кўринар ва бундай битикларни журналда чоп этиш масъулияти ҳам асосан унинг бош муҳаррири зиммасида эди.

Пирмат Шермухамедов шўро идорасида «тобланган», шўро ҳукумати топширигини оғишмай амалга ошириши «ҳам фарз, ҳам қарз» амалдор эса-да, энг аввало, адабиётчи — ёзувчи бўлгани вақдан қавмининг дарди унга ойнадай равшан ва шу боис ҳам ёзарлар уни қора тортиб, унга ишониб сиёҳи қуримаган

автобусдан кеч қолаётгандек шоғани-шошган.

Ёз кунларининг бири эди. Тушлиқдан қайтаётсам, Пирмат ака учинчи қаватдан тез-тез тушиб келяпти. Устоз:

— Дарров айтинг, ҳамма кабинетимга кирсин! — деганча зипиллаб хонасига ўтиб кетди.

— Бошлигимиз яна бир ташаббус бошлаган, — деб сирли илжайди поэзия бўлими муҳаррири Икром Отамурод.

— Узимизнинг иш буюкда қолиб бировларнинг агаратида кетмон чопиб юрмасак гўрғайди, — деб қўйди «катта карвон» — проза бўлими мудири Ҳайдарали Ниёзов.

Пирмат аканинг кайфияти баланд эди. Ўзини вазмин кўрсатаётган эса-да, муҳим бир янгилик айтишга сабри чидамаётгани юзларидан билиниб турарди.

— Ҳозиргина союзимиз раиси билан, сека билан

# Тезорар

## СОКИН ДАРЁ

батларимизда сокин танаффус пайдо бўлди. Бу орада Пирмат Шермухамедовнинг қатор китоблари нашр этилди. «Рухий дунё кўзгуси», «Она сутидек покиза» ва Москвадаги «Детская литература» нашриёти чоп этган «Детская литература Узбекистана» номли китоблари учун ёшлар мукофотига сазовор бўлди. «Истеъдод сеҳри», «Умид муҳаббатдадир...», «Сатрларга тўкилган туйғулар», «Сакура гуллари», «Ижод дарди», «Давр — қахрамон тақдирида» номли китоблари адабий жамоатчилик томонидан меҳр билан кутиб олинди. Устоз билан учрашишга интилиб, аммо ишли одамни безовта қилишдан истиҳола қилиб юрган кунларда ўзининг йўқливи шу боисдан ҳам мен учун қувончли ва ҳаяжонли эди...

«Шарқ юлдузи» журнали Пушкин кўчасидаги Ёзувчилар уюшмаси жойлашган бинонинг иккинчи қаватида эди. Чап қанотдаги охириги эшикдан бош муҳаррир хонасига кирдим. Пирмат ака ўрнидан турган ҳолда энгашиб қалин папкадаги қўлёзмани ўчириб-ёзиб турган экан.

— Нима учун гойиб бўлиб кетдингиз? — деди сизсираб ва дарров мақсадга кўчди. — Тоҳир Малик бошқа ишга ўтди. Ўрнига сизни оламиз. Союз раҳбарияти, бошқа идоралар билан келишдик, эртадан келиб Тоҳир аканингдан ишни қабул қилиб олинг.

Ҳанг-манг бўлиб қолганим учун қулимсиради:

— Шунча йил болаларга чўпчак айтганингиз ётар, энди катта матбуотни ҳам кўринг. Биламан, осон бўлмайди. Аммо урда-қўлингиздан келади.

Салкам йигирма йил бир ерда ишлаб ўрганиб қолганим учунми, қутилмаган тақлифдан кейин худди кадрдон уйини ташлаб олис мамлакатга кетаётган одамдек юрагим увишиб, галати бўлиб кетдим. Карахт ҳолда

май столни айланиб ўтди, галадондан папка-қоғозларни олиб шошмасдан сумкасига жойлади, битта узун калитни менга узатди:

— Сейфники, ҳужжатлар ичидан... Вазифага келсак... Супургидан тортиб, журналнинг ҳар битта точка-вергулгача бошингиз билан жавоб берасиз, — деди-да, индамай чиқиб кетди.

Тоҳир Маликнинг айтганлари ҳақиқат эканига ишимнинг биринчи ҳафтасидаёқ амин бўлдим. Тушунмаган нуқталарни тушуниб олишда Муҳаммаджон ёрдам берди. У вазифасига ғоят масъулият билан қарайдиган, масъул котиб юмушларини ҳам пухта ўзлаштириб олган ходим ва самимий дўст эди. Биз тўрт йил бир хонада ёнма-ён ўтирдик, ака-ука бўлиб ишладик.

Пирмат ака талабалик даврида биз ҳавас қилган навқирон домлага нисбатан бирмунча вазмин, сипо, доимо ёш ижоркорлар билан суҳбатлашган, шоғирдларининг илмий ишларига раҳбарлик қилган бўларди. Журналда бериладиган асарларни эса камида икки марта — босмаҳонага тушириш олдидан ва биринчи корректурадан кейин албатта ўқиб чиқар эди.

Журнал бош муҳаррирининг юки қанчалар оғир экан-

кўлёмаларини «Шарқ юлдузи»га кўтариб келишарди.

Ўзбек адабиёти, санъати, маданияти қаттиқ назоратга олинган, йилт этган янгилик галвирдан ўтказилиб, қайта-қайта элакарда эланаётган у кунларда ижодкорларга осон бўлмагани бугун барчамизга аён. Аммо чин маънодаги ватанпарвар раҳбарга, газета-журнал бош муҳаррири ёки нашриёт директорига ундан-да қийин бўлганини ҳам тан олиш керак. Ўша йилларнинг газета-журналларида босилган, нашриётларида чоп этилган асарларни синчиклаб кўздан кечирган киши бунга иқдор бўлади. Зотан, жасоратли муҳаррирлар бўлмаганида ким чоп этарди буларни?! Шўро алломаларининг қонини қайнатган, қанча шовқин-суронларга сабаб бўлган, гарданига «қалтис» тамғаси босилган асарларнинг аксарияти «Шарқ юлдузи»да босилгани ҳам бежиз эмас. «Ой тугилган оқшомда» (Тоғай Мурод), «Оқ қушлар, оппоқ қушлар» (Одил Ёқубов), «Абу Али ибн Сино» (Азиз Қаюмов) каби асарлар ана шуларнинг айримлари, холос. Бундай адабий маҳсулотларни журналда эълон қилиш учун адабиётга беадоқ муҳаббатдан ташқари ўз миллати ва халқига чексиз садоқат, катта юрак ва жасорат бўлиши керак инсонда. Арзимиған бир жумла, битта сўз учун «калла» кетаётган замонда Пирмат ака ана шундай куч топа билди ўзида.

Мен Пирмат аканинг хотиржам, бемалол юрганини сира кўрмаганман, қачон қарамаган

келишиб, масалани ҳал қилдим, — деди боладек қувониб. — Хуллас, журналимиз ўзининг йиллик мукофотига эга бўлди! Ўн минг сўм!

Ўн минг — яп-янги «Волга»нинг пули эди. Давлат мукофотлари икки-уч минг бўлиб турганда...

— Сурхондарёнинг Жаркўрғон районида «Сурхон» совхози бор, — давом этди Пирмат ака. — Республикада машхур. Директори Давлат Алибоев кадрдоним. Адабиётни яхши кўради, журналимизга ихлоси баланд. Бир амаллаб кўндирдим... — Пирмат ака «қалай, боғлабманми?» дегандек ўтирганларга кўз ташлади.

— Пирматжон, савоб ишга бош бўлибсиз, — деб миннатдорлик билдирди Ҳайдарали Ниёзов. Унинг бояги тўнглигидан асар қолмаган эди. — Журнал тарихида ҳали бунақаси бўлган эмас.

— Конкурс низомини тайёрлаб журналнинг шу сонидан конкурс шартларини ҳам бериш керак, — давом этди бош муҳаррир. — Мен кечаси уйда ўтириб лойиҳа тайёрлаганим, биргалашиб кўриб чиқинлар...

«Галалашиб» кўрдик, аммо бир сўзига ҳам тегинолмадик. Конкурс шартлари ҳам, низоми ҳам таппа-тахт экан.

«Шарқ юлдузи»нинг «Сурхон» номли йиллик мукофоти ана шу тахлит дунёга келди.

Абдусайд КҲЧИМОВ  
(Давоми бор)



# ОЁН

**Рахит барча ота-оналарга маълум хасталик десак муболага бўлмайди. Ана шу ташхис орқасида яширинган хасталик болаларда бир-икки ёшлигида кузатилади. Сўнги йилларда рахитга чалинган болакайлар сони халқаро миқёсда ортиб бормоқда. Шу боис гўдакларда учрайдиган рахит фақат педиатриянинг муаммоси бўлмай, аллақачон тиббий-ижтимоий, халқаро миқёсдаги муаммолардан бирига айланган.**



## Қийишшиқ

## бола

**А**йниқса, сўнги йилларда Европа мамлакатларида рахит касаллиги ўсиб бормоқда.

Минг афсуски, одамларнинг турмуш кечириши яхшиланиб боргани сайин ушбу хасталикка чалиниш кўпаймоқда. Маълумотларга қараганда, юртимизда рахит касаллиги 10-15 фоиз болаларда учрайди. Вилоятларимизда эса бу рақам янада баландроқдир. Одатда рахит билан хасталанган болаларда касалликларнинг бир «гулдаста»си бор, ваҳоланки ҳисоботларда улардан биттаси, яъни асосийси кўрсатилади. Масалан, камқонликда рахит четда қолиши кузатилади.

Кўпчилик рахитга кам таъминланган оиладаги ёш болалар чалинади, деган фикрда. Бу нотўғри. Рахит ривожланишининг сабаби овқат билан калций моддаси ва Д витамини организмга кам кириб келиши ёки ультрабинафша нурларга боғлиқдир. Бу ҳолат кўпроқ офтоб 6 ой кўринмайдиган юртлардаги эвенк, тунгус миллатларида кузатилади. «Унда нега Африка миллатларида бизнинг республикага қараганда рахит 2-3 марта кўп кузатилади?» деган савол туғилиши, табиий. Бунинг сабаби қуёш нурларигагина эмас, балки Д витаминининг етишмаслигига ҳам боғлиқ.

Д витамини организмдаги иммун реакциялари-

да иштирок этади. Ҳозирги вақтда у кучли гормонал омил ҳисобланиб, боланинг кўп аъзоларига таъсир кўрсатади. Кўпчилик ота-оналар шифокорга савол беришади: «Нега боламнинг тиши қийишқ, доим шамоллаб, ўткир вирусли касалликларга чалинаверади? Ахир дастурхонимизда камчилик йўқ-ку!». Бунинг асосий сабаби Д витамини етишмаслигидир. Қолаверса, ёш болалар очик ҳавода ўйнамаса, нотўғри овқатланса, фақат бўтқа эса, 6-7 ойлик даврида ҳам қўшимча овқат берилмаса, албатта, рахитга чалинади. Аксарият оилаларда чақалоқни шамоллаб қолади, деган ҳадикда очик ҳавога олиб чиқишмайди ёки кўп қаватли уйда дераза ойнасини очиб қўйиш билан кифояланишади. Баъзи оналар чақалоқни ўраб-чирмаб қийинтиришади. Бу эса чақалоқнинг ҳаракатчанлигини чеклайди, терлаб, шамоллашига сабаб бўлади.

Қиш кунлари кўпчилик оилаларда ойналар умуман очилмайди, хонада тоза ҳаво йўқ, бу ҳолат чақалоққа салбий таъсир кўрсатади.

Қуёш нури, тоза ҳаво ва сув, болани унумли рационал озиқлантириш, она сути рахитнинг олдини олади. Албатта, рахит бўлган болаларга биринчи навбатда медикаментоз даволашда витамин Д<sub>3</sub> (холекалциферол) тавсия этамиз. Ушбу дармондорини томчилаб 3 ойгача чақалоқларга (кундалик дозаси 2000 МЕ) 3-5 кун бериш керак. Агар гўдак бу препаратни яхши қабул қилса, дозани 3000 МЕга кўтариш мумкин. 5000 МЕ дозаси суяклариди ўзгартириш бўлган (хумбош, оёқлари қийишқ) болаларга тавсия қилинади. Гўдакларнинг сут бутилкаларига ушбу препаратни солаётган оналарга бундай қилмасликларини тавсия қиламиз, сабаби бунда ушбу препаратнинг таъсири пасайиб кетади. Шу билан бирга С, В<sub>1</sub>, В<sub>6</sub>, А витамини шифокор педиатр маслаҳати билан берилди. Болани чўмилтириш рахитнинг олдини олишда катта

аҳамиятга эга. Шунингдек, касалликнинг олдини олиш ва даволашда тузли ва хвой ванналарини қўллаш яхши самара беради.

### Рахитнинг белгилари

Ота-оналар рахитнинг қуйидаги белгиларидан огоҳ бўлишлари керак: чақалоқнинг безовта бўлиши, кўп йиғлаши,



миянинг орқа томонидаги «каллик», кучли терлаш, характерли аччиқ хид, мушакларининг паст тонусга эга бўлиши, уйқунинг бузилиши, ич келмаслиги. Агар чақалоқнингизда ана шундай белгиларнинг бир нечаси кузатилса унда педиатр шифокорга мурожаат қилинг. Чунки бу болада фосфор-калций модда алмашинувининг бузилиши ва Д витаминининг етишмаслигидан дарак беради.

Қолаверса, 3-4 ойлик чақалоқнинг вазни ортиши ҳам хавфлидир. Кўпчилик чақалоқ вазнининг кўпайиб боришидан хурсанд бўлади. Афсуски, бунга хурсанд бўлишга шошилиш керак эмас. Чунки биринчи ойларида боланинг вазни ортгани сайин унга шунча кўп калций, фосфор ва Д витамини зарур. Ваҳоланки, унда рахитнинг ривожланиш хавфи юқори бўлади.

Болаларда калций танқислигининг олдини олиш учун нима қилиш керак? Ҳозирги кунда 3 ёшли болаларнинг 40 фоизи ва 7 ёшли болаларнинг 60 фоизда калций етишмаслиги кузатилмоқда. Ҳатто,

замонавий овқат қўшмалари билан боқиётган болаларда ҳам калций миқдори паст эканлиги аниқланапти.

### Калцийнинг ёш болаларга таъсири

Чақалоқ организмиде олти ойлигида кунига 600 мг калцийни талаб қилади. Успиринлар эса 1200-1500 мг калций истеъмол қилишлари керак.

Чақалоқ она сутини 1 йилгача истеъмол қилишини инobatга олган ҳолда унинг таркибидаги калций миқдори юқорилигини алоҳида таъкидлашни истардик. Агар она сутида калций моддаси нормага қараганда кам бўлса чақалоқда рахит касаллиги ривожланади.

Ёш боланинг овқати ҳар хил бўтқа ва ёғли таомлардан иборат бўлса, калцийнинг танага сўрилишини камайтиради. Шу билан бирга она сутидаги лактоза, овқатлардан лимон кислота, ўт кислоталари, темир, оқсил калцийнинг сўрилишини кучайтиради. Бу ҳолатни ёш болаларнинг таомномасини тузишда инobatга олиш керак.

### Нотўғри фикрлар

Баъзи ота-оналар рахитни даволамаса ҳам бўлади, у бола 4 ёшга тўлгандан кейин йўқолиб кетади деб ўйлашади.

Бу нотўғри фикр. Чунки боладаги рахитни даволамаса, унинг скелети, суяк тузилишида кучли деформациялар, асосан сколиоз (букур), букчайиб юриш, тўпикнинг бузилиши кузатилади. Шу билан бирга бола, айниқса, қизларда умуртқа поғонаси қийишқ бўлиб қолади. Икки-уч ёшли болакайларнинг кўпчилигида тананинг нотўғри ўсганини кузатиш мумкин. Рахитнинг бу асорати боланинг овқатни яхши

чайнашига қаршилиқ кўрсатади. Бунда олдин сут тишларда, кейинчалик бошқаларида ҳам кариес пайдо бўлади. Оғир ҳолатларда болаларнинг оёқлари қийишқ бўлиб қолади. Болада калций моддаси етишмаслиги туфайли суяклар мўрт бўлади. Шу сабабли рахит касаллигига дучор бўлган болаларнинг қўлоёқлари синиши кузатилади. Энг ёмони, суякнинг нотўғри битишидир. Бу эса боланинг бўйи паст бўлиб қолишига сабабчи бўлади.


Рахитнинг энг яқин «ўртоғ»и камқонликдир. Шу билан бирга рахит боланинг кўриш қобилиятини ҳам пасайтиради. Катта ёшдаги одамларда учрайдиган остеопороз касаллиги чақалоқликдаги рахит аломатидир.

### Даволашдан кўра олдини олган яхши

Олимларнинг фикрича, рахитнинг олдини олиш чоралари ҳомиладорликдан анча олдин бошланиши керак. Бўлажак она дам олиши, очик ҳавода сайр қилиши, истеъмол қиладиган овқатида оқсиллар, калций, витаминлар, микроэлементлар тўла миқдорда бўлиши зарур.

Ҳомиладор ва эмизикли аёл кунига 180-200 г гўшт, 100 г пишлок, 30-40 г чакки, 300 г сабзавот, 500 г мева, 300 г нон истеъмол қилиши лозим. Ҳомиладор аёл 1,5-2 г калций истеъмол қилиши керак, албатта, бу моддани озиқ-овқат маҳсулотлари орқали олади.

**Тоҳир ИБРОҲИМОВ,**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор





Истеъодлар



Ўғилнингиз тўполончи бўлса...

Одатда бола беш-олти ёшга кирганда унинг шўхликлари беҳад ошади, ғайрати ичига сиғмайди.

У мактабга бора бошласа ҳам ўйинқароқлиги камаймайди, аксинча, тўполончилигига қизиқувчанлик қўшилиб, янада шиддатлироқ бўлиб қолади. «Хой, фалончи, саркашлик қилмай ўтир» деган гапни кўп бора эшитганмиз. Ва айнан ўша «саркаш» болалардан келажакда яхши спортчи, халқ орини ҳимоя этадиган полвон ёки оғирбосиқ, ўзига ишончи кучли бўлган бир солиҳ инсон чиқиши ҳам кўп бора исботланган. Албатта, бунда болаларнинг ота-онаси ва ўқитувчиларининг унга тўғри йўл кўрсатиши, хуллас, унинг қизиқишларини мақсад йўлида йўналтира олишда гап кўп. Акс ҳолда, шўх боладан безори, дилозор инсон етишиб чиқиши ҳам мумкин.

Самарқанд шаҳрида яшовчи Бобуржон ака ўғиллари Шаҳбоз ва Ҳумоюннинг интилишларини безътибор қолдирмади. Уларни спортга беришга қарор қилди. Катта ўғли Шаҳбоз 1999 йилда, кичиги эса 2001 йилда туғилган.

— Дастлаб ўғилларимни спорт акробатикаси машғулотларига олиб бордим, — дейди Бобуржон ака. — Акробатика мусобақаларида боланинг қайишқоқлиги, эгилувчанлиги ривожланади. Ёши улгайган, бошқа бирор спорт турини танлаганда ҳам унинг жисмоний сифатлари ривожланишида акробатиканинг хизмати катта бўлади.

Айни пайтда ўғилларим ўқишларига ҳам, машғулот-у мусобақаларга ҳам анча жиддий ёндошадиган бўлиб қолишди.

Ака-укалар 2008 йилнинг бошида спортнинг жанговар тури — фудокан каратэ-до машғулотларига, мураббий Фаррух Ҳакимов залига қатнай бошлади.

Орадан олти ойча фурсат ўтиб, июн ойида Пайариқ туманида ушбу тур бўйича хотира турнири ташкил этилди. Унда Ҳумоюн 6-7 ёшлилар гуруҳида иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, акаси Шаҳбоз эса 8-9 ёшлилар ўртасида учинчи поғонадан жой олди. 13-14 декабрда Самарқанд шаҳрида ўтган вилоят турнирида кичик Ҳумоюн «ката» (машқлар санъати) баҳсида, «кумитэ» (жанг) мусобақасида ҳамда «энбу» (кўргазмали чиқиш) машқлари бўйича биринчи ўрин соҳибига айланди. Шаҳбоз эса «ката» бўйича мусобақанинг қумуш медалига эришди.

Яқинда Самарқанд шаҳрида ўтган очиқ биринчиликда ака-укалар ўз маҳоратларини яна бир бор синовдан ўтказди ҳамда ҳар иккиси ўз тенгурлари орасида голиб чиқди.

— Жанг пайти рақибингизга ютқазиб қўйсангиз йиғламайсизми? Чунки аламдан кўз ёшини тия олмаган спортчиларни ҳам кўп кўрамиз, — дея

сўраймиз ака-ука чемпионлардан.

**Шаҳбоз:** — Устозим Фаррух Ҳакимов кўп бора айтади, бу спорт, унда ютиш ҳам, ютқазилш ҳам мумкин. Агар жангда имкониятни бой берсам, рост, йиғламайман. Аксинча, кейинги баҳсларга устозим билан хатоларим устида ишлаймиз.

**Ҳумоюн:** — Ўғил болалар йиғламайди. Агар ютқазсам, рақибимга омад тилайман. Устозимиз рақибга, мураббий ва мухлисларга ҳурматда бўлинглар, деб кўп ўргатади.

— Машғулотлардан безиб қолмайсизми?, — қизиқсиниб сўраймиз улардан.

**Шаҳбоз:** — Йўқ, устозимиз Фаррух аканинг «ката» машқларини қойилмақом



қилиб бажаришини мириқиб томоша қиламиз. Биз у кишидек бўлиш учун машқларда кўпроқ ишлашимиз керак.

**Ҳумоюн:** — Ҳафтада уч марта машғулот бўлади. Қанийди, мураббийимиз ҳар куни шуғуллантисалар, ҳар куни келардик. Фудокан каратэ-до бизга жуда ёқади. Уйга бориб, акам билан ўтилган машқларни бажариб, усулларни яхшироқ ўзлаштиришга ҳаракат қиламиз.

Шундан сўнг машғулот бошланди. Самарқанд шаҳар иқтисодиёт касб-хунар коллежининг ёруғ ва озода залида жажжи ўғил-қизлар ҳар топшириқни аниқ бажаришга интиларди. Дастлаб танани қиздириб олишди. Умумжисмоний тайёргарликдан сўнг устоз ўз режасидан ўрин олган янги усулларни ўргатишга киришди. Фудоканчилар усулларни маромига етказиб бажаришга интилар, зални спортчиларнинг шавқи-шиддати қоплаб олганди.

Қарийб икки соатлик машқлар давомида ёш спортчилар жижқа терга тушиб кетишди, лекин уларнинг ҳеч бирининг чехрасида чарчоқ аломати сезилмасди. Чунки машаққатли машқлар ортида мусобақада ютиш завқи турганини улар яхши билади. Устози, ота-онаси, маҳалласи, мактаби, дўстлари ишончини оқлаш масъулияти уларга қўшимча куч бағишларди, гўё.

**Пешонангда тер ялтираса, Кўзларингизда галаба завқи! Полвонларга омад тилайди, Фахрларанг жонажон халқи!**

Шаҳбоз келажакда ҳарбий бўлмоқчи. Самарқанд шаҳридаги 42-сонли мактабнинг 3-синфида ўқийди. Айни пайтда яшил белбоғ соҳиб. Укаси Ҳумоюн эса шу мактабнинг 1-синф, рус гуруҳида таҳсил олади. Орсуси — яхши спортчи ва дипломат бўлиши!


Ёшгина ўғлонларнинг дадил фикрлаши эътиборингизни тортади. Дилнингизда уларга нисбатан ҳавас уйғонади. Кўз тегмасин, ниҳол бошидан. Деғанлари шу бўлса керак-да...

Акмал АБДИЕВ

Футбол

Шаҳбоз - тўпурақ

Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳужумчиси Шаҳбоз Эркинов тўп сурадиган Хамадоннинг «Пас» клуби Эрон чемпионатининг 27-турида «Сайпа» устидан 2:1 ҳисобида галаба қозонди. Кескин курашлар остида кечган ўйиннинг 50-дақиқасида айнан Шаҳбоз Эркинов ҳисобни очиб берди. 27-турдан сўнг, «Пас» 31 очко тўплаган ҳолда турнир жадвалида 13-поғонани банд этган. Шаҳбоз эса 5 та гол билан жамоасининг учинчи тўпурақи бўлиб турибди.




Сафардан қайтиб...

Туркияда ўқув-машғулоти йигинини ўтказган «Бунёдкор» футбол жамоаси бир неча ўртоқлик учрашувларида майдонга чиқди: «Бунёдкор» - ФК «Москва» - 0:0, «Бунёдкор» - «Заря» - 1:0. Гол: Анвар Ғофуров. «Бунёдкор» - «Львов» - 2:0. Голлар: Ривалдо, Карпенко. «Бунёдкор» - «Кубань» - 1:3. Гол: Карпенко.

Куни кеча эса «Бунёдкор» бош мураббийи Амет Мемет ҳамда клубнинг янги аъзоларига айланган ҳимоячилар Анвар Ғофуров, Руслан Мелзиддинов, бразилиялик — Эдсон Рамос ва Жоао Викторнинг расмий таништирув маросими ҳам бўлиб ўтди.



Қитъа тожи учун...



Куала-Лумпурдаги ОФК қароргоҳида 2010 йилда бўлиб ўтадиган ўсмирлар (U-16) ҳамда ёшлар (U-19) терма жамоалари ўртасидаги Осиё чемпионатининг саралаш босқичига қуръа ташланди. 1991 йилда таваллуд топган футболчилардан иборат Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси саралаш босқичининг «D» гуруҳидан жой олди. Марат Кабаев шогирдлари Эрон, Ливан, Туркманистон, Мальдив ороллари ва Покистон терма жамоалари билан куч синашади. Гуруҳ баҳслари 1-15 ноябр кунлари Покистонда ўтказилади. Осиё чемпионатининг финал босқичи эса 2010 йилнинг ноябр ойида ўтказилиши режалаштирилган. Александр Евстафеев бошчилигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси (U-16) эса иккидан бири йўлланма учун Саудия Арабистони, Кувайт, Шри-Ланка, Покистон ва Афғонистон каби терма жамоалар билан кураш олиб боради. Лекин ҳозирча 3-18 октябрга белгиланган саралаш босқичининг қаерда ўтиши маълум эмас. Чунки халигача гуруҳдаги ҳеч бир давлат мусобақани ўзида қабул қилиш юзасидан ОФКга «заявка» бермаган.

Магдеев «Рубин»да?



«Пахтакор» клуби мавсум арафасида жамоага таклиф этилган янги футболчиларни оммавий ахборот воситалари вакилларига расмий равишда таништирди. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси сардори Шерзод Каримов, ўтган мавсумни Самарқанднинг «Динамо» клубида юқори савияда ўтказган Дилшод Шарофетдинов ва сербиялик легионер Боян Миладинович бундан буён «Пахтакор» шарафини ҳимоя қилади. Матбуот анжумани ниҳоясига етгач, «Пахтакор» клуби вице-президенти янги ўйинчиларга жамоа сафида тўп сурадиган рақамлари туширилган футболка-

ларни топширди. Унга кўра, Боян Миладиновичга «Пахтакор»нинг машҳур 4-рақами насиб қилди. Дилшод Шарофетдинов 26 ҳамда Шерзод Каримов 14-рақамда ҳаракат қилади. Жамоанинг ҳамда Ўзбекистон миллий терма жамоасининг ўнг қанот ярим ҳимоячиси Илдар Магдеев эса айни пайтда Қозоннинг «Рубин» жамоасида кўриқдан ўтмоқда. — Илдар Магдеев «Пахтакор» ва Ўзбекистон миллий терма жамоасининг асосий ва етакчи ўйинчиларидан ҳисобланади. Тан олиш керак, Магдеев бир неча йиллардан буён жамоамиз учун кўп иш қилди, — дейди «Пахтакор» вице-президенти Самвел Бабаев. — Айни пайтда ярим ҳимоячи яхши спорт формасига эга. Биз етакчи ўйинчиларимизни ўз олди-га юқори мақсадларни

қўядиган кучли клубларгагина раво кўришимиз мумкин. Бу биринчи навбатда, терма жамоамиз келажигини ўйлаган ҳолда қилинадиган иш. «Рубин» эса Россия чемпиони ҳамда Европа чемпионлар лигасида тўп суради. Хуллас, ҳар томонлама ўйлаб, таклифга розилик бердик. Унинг клубда қолиш-қолмаслиги 28 феврал куни узил-кесил ҳал бўлади. Янги мавсум арафасида «Пахтакор»ни тарқатиши мумкин бўлган футболчи фақат Магдеев эмас. Шунингдек, Владислав Кирьян, Андрей Акопянц, Раҳматилло Бердимуродов, Александр Клецков ва Нодир Қўзибоев каби ўйинчилар ҳам мавсумни бршқа жамоада бошлаши мумкин. «Пахтакор»нинг бразилиялик легионери Фабио Пинто эса Бразилияга қайтиб кетди.

Самбо

Ғолиблар жаҳонга чиқади

Бухоро шаҳридаги «Ҳумо» спорт мажмуида самбо бўйича мамлакат чемпионати бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 150 полвон ғолиблик учун куч синашди. Юртимизда моҳир самбочиларнинг кўплиги ва уларга муносиб издошларнинг ҳам камол топаётгани мусобақанинг қизиқарли ва кескин ўтишини таъминлади. Беллашувлар якунига кўра, пойтахтлик Ақобир Қурбонов, Одил Тулендибаев, самарқандлик Дамир Муҳидов, Шавкат Жўраев, Ақром Эшов, Навоий вилояти вакиллари — Шухрат Шукуров, Зариф Расулов, бухоролик Шухрат Муродов ва Тошкент вилояти вакили Равшан Тўракулов ўз вазн тоифасида мамлакат чемпиони бўлди ҳамда навбатдаги жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Профи-бокс

Россияда ўтган профессионал бокс кечасида ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари навбатдаги рейтинг жанглирида муваффақият қозонди. Профессинал рингда кетма-кет беш маротаба зафар қўнган андижонлик Равшан Худойназаров навбатдаги беллашувда россиялик Илёс Гусейинов-

Балли, азаматлар!

га қарши рингга чиқиб, рақибидан ҳар томонлама устунлигини исботлади.

Яна бир боксчимиз Дониёр Раҳматуллаев Украинадан келган Дмитрий Богачукка қарши баҳсда рақибини очколар бўйича енгди. Бу профессионал боксчилик фаолиятини 2005 йилда бошлаган Дониёрнинг ўзининг галабасидир. Андижонлик Фаррух Каримов профессионал рингдаги биринчи учрашувини 33 ёшли Иван Гайванга (Молдова) қарши ўтказди ва тўрт раундлик жангни ўз фойдасига ҳал қилди.





**Европанинг «яшил пойтахтлари»**

Швеция пойтахти Стокгольм ва Германиянинг порт шаҳри бўлмиш Гамбург Европанинг энг озода шаҳарлари деб топилди. Улар атроф-муҳит муҳофазаси бўйича саяёҳатлари туфайли шундай эътирофга сазовор бўлишди.

Евроиттифоқ комиссияси мазкур шаҳарларни атроф-муҳит муҳофазаси бўйича эълон қилинган ташаббус доирасида «яшил пойтахтлар» деб тан олди. Шундай қилиб, Швеция пойтахти 2010 йилгача, Гамбург эса 2011 йилгача ушбу унвонни сақлаб қолади.

Шунингдек, номзодлар орасида Амстердам, Бристол, Копенгаген, Осло, Фрайбург ҳамда Мюнстер каби шаҳарлар ҳам бор эди.

— Европа аҳолисининг асосий қисми шаҳарларда яшайди ва атроф-муҳит ифлосланишидан азият чекади, — дейди Евроиттифоқ комиссияси вакили Ставрос Димас. — Стокгольм ҳамда Гамбург эса ҳаво ифлосланишига қарши бошқаларга қараганда фаолроқ курашмоқда. Шунингдек, уларда атмосферага зарарли газлар чиқаришни камайтириш бўйича чора кўриш билан бирга, чиқиндиларни қайта ишлаш ҳамда оқава сувни тозалашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Ошқозондаги «салфетка»**

Тоболск шаҳар суди Тюмен вилоят касалхонасига ошқозонда салфетка унутиб қолдирилган мижоз фойдасига 150 минг рубл маънавий зарар тўлаш мажбуриятини юклади.

Тоболск шаҳрида яшовчи 50 ёшли аёлни мазкур касалхонада 2006 йили сурункали касаллик туфайли операция қилинган эди. Бир йилдан сўнг аҳоли оғирлашган, қайта операция қилинди. Жароҳлик амалиёти пайтида шифокорлар унинг ошқозонда тиббиёт салфеткаси унутиб қолдирилганининг гувоҳи бўлишди.

Шундан сўнг аёл жабрланувчи сифатида маънавий зарар ундиришни сўраб судга мурожаат этган.



**Дунёдаги энг қиммат мебел**


**«Christie's» аукционда Ив Сен-Лоранга тегишли қадимий кресло 21,9 млн. еврога сотилди.**

Шу тариха ирландиялик дизайнер Эйлин Грей ар-деко услубида ясаган (1917 — 1919-й.) «Аждарҳоли кресло» XX асрнинг энг қиммат мебели номига сазовор бўлди.

Ундан олдин, аниқроғи, 2004 йилда XVII асрга тегишли «Бадминтон кабинети» Лихтенштейн князига 27,46 млн. еврога сотилиб, мутлоқ рекорд ўрнатган эди.

Грейнинг яна бир маҳсулоти — ёзув столи ва шкафдан иборат гарнитура 4 млн. евро сотилган.

Шунингдек, аукционда дизайнер Клод Лаланнга тегишли кўзгу 1,8 млн., венгер рассоми Густав Миклошнинг йўлбарс териси қопланган иккита курсиси 1,5 млн. еврога баҳоланди.



**Тушингни сувга айт...**

Швеция фуқароси бўлмиш аёлнинг банкдаги ҳисоб рақамига англашилмовчилик туфайли 883 млн. евро (1,13 млрд. доллар) келиб тушди.

Кундалик харажатларни интернет орқали тўламоқчи бўлган Корнелия Йохансон ҳисоб рақамида пайдо бўлган шунча пулни кўриб ҳушидан кетаёзди. Тулов топширикномасидаги изоҳда мазкур пуллар илгари кредит карточкадан нотўғри ҳисобдан чиқарилганлиги учун қайтарилганлиги айтилган.

Бирок бир неча соат ўтгач ҳисоб рақамидаги мазкур пуллар ғойиб бўлди. Ўз навбатида Йохансон мижоз бўлган «Nordea» банки мазкур воқеага изоҳ берар экан, бу банк ходими йўл кўйган техник хато эканлигини билдирган.





**«Газпром»нинг режаси**

Россиянинг «Газпром» компанияси бир баррел нефт нархининг 25 доллар эканлигиндан келиб чиқиб, 2009 йилги инвестиция дастури ва бюджет масаласини қайта кўриб чиқиш ниятида. Айни дамда ҳукумат нефт нархини 41 доллар баҳолаган ҳолда, федерал бюджетни кўриб чиқмоқда. Газ концерни директорлар кенгаши 24 феврал куни 2009 йилдаги харажатларнинг оптимал режасини кўриб чиқди. «Газпром» «Brent» маркали нефтнинг 1 баррели 25 доллар бўлганда, рентабелли бўладиган лойиҳаларни сақлаб қолишни кўзда тутмоқда. Шу кунларда «Brent» маркали нефтнинг 1 баррели нархи 40 долларни ташкил қилмоқда. Бундан ташқари, компания жорий йилнинг биринчи кварталда ўзгартириш киритилиши мўлжалланган 2009 йил бюджетининг бир неча вариантини ҳисоблаб чиққан.



**Поезд ҳалокати**

Бангладешнинг Жойпурхат шаҳри яқинида поезд ҳалокати оқибатида ўн киши ҳаётдан кўз юмиб, элликка яқин одам оғир жароҳатланган. Маҳаллий полициячилар фожиага поездининг юк машинаси билан тўқнашуви сабаб бўлганлигини билдирмоқда. Жароҳатланганлар шифохоналарга ётқизилган.



**Энди учинчи ўрин**

Мексикада ҳажми 140 млрд. баррелга тенг янги нефт кони аниқланди. Мамлакатда шу чоққача аниқланган энг йирик нефт кони захираси 36 млн. баррелга тенг эди. Экспертларнинг таъкидлашича, 2008 йили Мексика нефт захирасининг кўпчилиги бўйича дунёда олтинчи ўринда турар эди. Аниқланган янги кон мамлакатни учинчи ўринга кўтарди.

**Иш ўринлари қисқартирилади**

Иқтисодий инқироз туфайли АҚШдаги шина ишлаб чиқарувчи «Goodyear» компанияси маҳсулотларига талаб пасайган. Шу боис компания 5 мингта иш ўринини қисқартириш ниятида. Бу 700 млн. АҚШ доллари миқдориди маблағни тежаш имконини беради. Эслатиб ўтамиз, «Goodyear» 2008 йилнинг тўртинчи чорагида 330 млн. доллар миқдориди молиявий зарар кўрган.







ИЗОХИ СИЗДАН...

Тинчимаган одамлар,  
Нени ўйлаб топади.  
Мушуклари ҳаттоки,  
Беланчада ётади.

Тундаги зиёфатдан,  
Кайтдим аранг тонг маҳал,  
Жуда ҳам чарчаганман,  
Уйкуга берманг ҳалал.

Асадулло МИРЗААҚБАРОВ,  
«Хамкорбанк» ОАТБ  
бирлашган касаба  
уюшмалари  
қўмитасининг раиси

Жуда ҳам мазза экан  
Гавайи? ороллари.  
Энди қилгайман одат,  
Бир келмоқни ҳар йили.

Азизбек НОРОВ,  
Қарши шахри

Мен «янги ўзбек»нинг  
«янги мушуги»  
Қорин тўқ, «пишт»  
демас катта-кичиги  
Балиқчи мен учун  
сиққон овлайди,  
Аканг унинг тўрида  
қотиб ухлайди.

Шўхрат ХАЛИЛОВ



Энди навбатдаги суратга  
Изох толинг-чи?

Ёқилги-энергетика комплекси,  
кимё саноати ва геология ходим-  
лари касаба уюшма Марказий  
Кенгашининг Тошкент вилоят ва-  
киллиги жамоаси бош ҳисобчи  
Азиз Музаффаровга ўқаси  
Аббос МУЗАФФАРОВнинг  
вафоти муносабати билан чуқур  
таъзия изхрр этади.

Тошкент шаҳар, Миробод  
туманида жойлашган «VITA  
EKSKLUZIV» шўба корхонаси  
СТПР 204849169 тугатилади.  
Даъволар бир ой муддатда  
Шаҳрисабз қўчаси 25-уйда  
қабул қилинади.

Бу дунё саноатларга бой. Унинг марказида турувчи  
инсон билан боғлиқ маълумотлар бу сирларнинг бир  
кўринишидир балки. Мазкур сатрлардан «фикр ва шукур»  
қилиш зарурати келиб чиқса ажаб эмас...

1. Кунига бир кути сигарет чекиш бир йилда ярим пиёла қатрон (смола) ичишга тенг келади.
2. Махлуқлар орасида инсонгагина тўғри чизик чиза олиш хусусияти берилган.
3. Оқ-сарикларнинг соқоли қора-мағизларникидан тезроқ ўсиши аниқланган.
4. Табассум қилаётган кишининг 17 та мускули ҳаракатга келади.
5. Одам ДНКсида генларнинг 80.000 хил тартиби мавжуд.
6. Эркаклар бўйи 130 см.дан, аёлларнинг бўйи эса 120 см.дан ошмаган

ўсмайди, аксинча 25 ёшдан сўнг кунига 100 мингта хужайрага қамайиб боради. Бир саҳифа ўқиш учун сарфлаган дақиқамизда 70 та хужайра нобуд бўлади. 40 ёшдан кейин мия таназзули тезлаша боради, эллиқдан кейин эса нейронлар қарий бошлайди ва мия ҳажми қисқариши кузатилади.



# ИНСОН ҲАҚИДА ҲАҚИҚАТ

тақдирда уларга пакана номи-ни бериш мумкин экан.

7. Лейкоцитлар одам тана-сида 2-4 кун, эритроцитлар эса 3-4 ой умр кўради.
8. Пус, индекс, мажор, аюлэр, орикюэр — фран-цузлар бармоқларга шундай ном бе-ришган.
9. Ҳар бир бармоқ умримиз даво-мида тахминан 25 млн. марта эгилиб-букилади.
10. Инсон юрагининг катталиги унинг муштига тенг келади. Бу ҳажм катталарда 220-260 грамм тош босади.
11. Одам организми таркибида ати-ги 4 та минерал мавжуд. Улар: апатит, арагонит, калцит ва кристобалит.
12. Танамизда мавжуд бактериялар-нинг умумий оғирлиги 2 кило.
13. Бир секунд ичида бош мияда 100.000 хил кимёвий реакция содир бўлади.
14. Чақалоқ туғилган вақтда унинг тизза соққаси шаклланмаган бўлади. 2-6 ёш ораллиғида бу аъзо ривожланиб боради.
15. Янги туғилган чақалоқнинг ми-ясида 14 млрд. нерв хужайраси мав-жуд бўлади. Бу рақам ҳеч қачон

16. Психиатрияда вақт ва маконни, тана ва атрофни идрок қилишнинг бузилиши синдромига «Алиса мўъжизалар мамлакатига» номи бериш-ган.
17. Ингичка ичак одамнинг тирик-лик вақтида 2,5 метр узунликда бўла-ди. Улимдан сўнг бу аъзонинг узунли-ги мускул деворларининг бўшашиши натижасида 6 метрга етади.
18. Инсон танасида 2 млн. атрофи-да тер безлари мавжуд. Ўрта ёшли киши бир литр тер учун 540 калория сарфлар экан. Эркаклар аёлларга нис-батан 40 фоиз кўпроқ терлаши ҳам ўз исботини топган.
19. Катта ёшли одам бир кунда тах-минан 23.000 марта нафас олади.
20. Одамзот 10.000.000 хил рангни фарқлай олишга қодир.
21. Оғиз бўшлиғида 40.000 хил бак-терия мавжуд.
22. Кўзни юммасдан аксиришнинг

- иложи йўқ.
23. Умуртқа 33 ёки 34 поғонадан ташкил топади.
  24. Аёлларнинг кўзлари эркакларни-кига нисбатан икки барабар кўпроқ очи-либ-юмилади.
  25. Организмдаги энг кучли мускул тил ҳисобланади.
  26. Инсон организмда 2000 та таъм билиш рецептори мавжуд.
  27. Месопотамияда беморнинг ўлими-га сабаб бўлган табибни кўр бўлиб қолгунча азоблашган.
  28. Янги туғилган чақа-лоқда 300 та суяк бўлади. Ўсиш жараёнида уларнинг сони 206 тага тенг бўлиб қолади.
  29. Инсон танасидаги ёғ 7 бўлак совун ишлаб чиқа-ришга бемалол етади.
  30. Нерв импульслари та-нада секундига тахминан 90 метр тезликда ҳаракатланади.
  31. Одамнинг сочи совун кўпиги қатламидан тахминан 5000 марта йўғонроқ.
  32. 36.800.000 — бир йиллик юрак зарблари миқ-дори рақамларда ифодалан-ганда шундай кўринишга эга бўлади.
  33. Эркаклар далтонизм-дан аёлларга нисбатан 10 карра кўпроқ азоб чекиша-ди.
  34. Меъда ширасининг 0,4 фоизи хлорид кислота-дан иборат.

35. Мовий кўзликлар бошқаларга нис-батан оғриқларга анча сезгир бўлиша-ди.
36. Қўл бармоғидаги тирноқлар оёқдагига нисбатан тўрт марта тезроқ ўсади.
37. Бутун ҳаёт давомида инсон тери-си тахминан 1000 марта алмашинади.
38. Тиббиётда шу вақтгача асосий белгиларидан бири тумов бўлган юздан ошиқ ҳар хил вируслар борлиги аниқ-ланган.
39. Ўсмир танасидаги асаб толалари-нинг умумий узунлиги 75 километр ат-рофида бўлади.
40. Нафсини тийиб тура олмаслик ка-саллиги «булемия» деб аталади.
41. Психологларнинг таъкидлашича, бош миянинг чап яримшари мантиққа, ўнг яримшари эса ҳисларга асосланиб иш кўраркан.

Интернет материаллари асосида  
Дилдора РАҲМОНОВА тайёрлади

## Йиғлаш қанчалик фойдали?

**К**ўзёш тўқайтган инсонни кўрганда кўпчилик-нинг кўнгли ғаш бўлади. Ундаги кайфият бизга ҳам ўтиб, маҳзун тортгандай бўлаемиз. Аммо йиғлаган киши руҳида алланечук энгил-лик ҳис қилиши бор гап. Хўш, аслида йиғлаш соғлиққа қандай таъсир қилади?

Кўзёш тўқиш инсон учун катта аҳамиятга эга. Йиғ-лашнинг физиологик нуқтаи назардан фойдалари талай-гина. Буни мутахассислар ҳам эътироф этишган. Прин-стон университетининг про-фессори Эшли Монтегю-нинг фикрича, киши йиғлай олиш қобилиятига эга бўлгани учун ҳам ҳаётда яшайди.

Колумбия университети-да «Генетика ва кишили-нинг тараққиёти» деб ном-ланган илмий анжу-манда профессор Монтегю йиғи киши ҳаёти учун муҳим омиллар-дан бири эканини тасдиқ-лайди. Олим-нинг эъти-роф этишига кўра, ҳатто ин-сон наслини давом



эттириб келувчилар йиғлай олиш қобилиятига эга бўлган-лардир. Профессор бу фик-рини гўдаклар устида ўтказ-ган кузатиш ва тадқиқотлари-дан олинган таҳлиллар билан исботлайди.

Кўз ёши, одатда, чақалоқ дунёга келгач, олти ҳаф-талик бўлганида пайдо бўлади, — дейди у.

— Лекин биз била-мизки, гўдаклар бу давр-гача ҳам тинмай йиғлайди-лар. Бироқ унинг бу йи-ғисида ёш

бўлмайди. Чақалоқнинг бу даврдаги қуруқ йиғиси унга нафас олиш ва нафас чиқа-ришга ёрдам беради.

Энг эътиборлиси, бу «йиғи» чақалоқ бурун пар-даларини қотиради ва шу билан ҳар хил юқумли ка-салликлар бактериялари-нинг бола ичига «йўл оли-ши»ни «таъқиқлайди».

— Бундан ташқари кўз ёши оддий сувдан иборат эмас, — дейди Эшли Мон-тегю. — Унинг таркибида микробларни ўлдирувчи «лицоцим» моддаси мавжуд. Бу модда кўзни жуда яхши дезинфекция қилади. Шу боис одамнинг кўзида де-ярли микроб бўлмайди.

**Жамшид НИЁЗОВ**  
тайёрлади

<b>Ishonch</b> МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси	Бош муҳаррир Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ	Бизга кўнгирак қилинг: Котибият: 256-52-78 Хатлар бўлими: 256-85-43	Бизнинг манзил: 100165, Тошкент шаҳри, «Буюк» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134	Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.	Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев Навбатчи - А.Абдуллаев Мусаҳҳих - Н.Маҳамов
	Таҳрир хайъати: Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Маъмура Адилова, Мирзохид Содиное, Нормизат Аллаёров, Носирхон Аҳбаров, Ойсулду Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими: А-3. Ҳажми 4 босма табоқ.	«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.	Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўриб босилган «Ishonch»дан олинган кўрсаткичи шарт. Тўқсиз аҳамиятга молик материаллар ① Белгисиз остида чоп этилади	Буюртма Т-114 Тиражи: 20599 Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 00.00
ISSN 2010-5002				ISSN 2010-5002	
E-mail: ishonch-doverie@mail.ru				Сотувда эркин нархда 2 3 4 5 6 7 8	